БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 8 (17.588). • 10 январь 1980 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин.

110 йил

ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛДА УЛКАН ЗАФАРЛАРГА!

Қорақалпоғистон Автоном Республикаси хўжаликларида кўкламги экиш кампаниясига пухта ҳозирлик кўрилаётир. Механизаторлар ўз агрегатларини мавсумга шай қилиб қўйишмоқда. Юқоридаги суратда сиз Амударё районидаги Крупская номли колхознинг илғор механизаторларидан Кўклам Шаматов билан Буважон Раҳимовларни кўриб турибсиз. Улар қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилишда фаоллик кўрсатяпти.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози чорвадорлари қўзилатиш кампаниясини бошлашди. Хўжаликнинг илғор чўпонлари бу йил ҳар юз бош совлиқдан 125 тадан қўзи олишга ваҳд қилишган. Пастдаги суратда сиз шу колхознинг илғор чўпони Хидир Усеровни кўряпсиз.

А. Тўраев ва Г. Пунь [ЎзТАГ] фотолари.

ДАЛАЛАРГА ЎҒИТ

Наманган районидаги «Партия XXII съезди» колхози далаларига ҳар куни юз тоннагача органик ўғит чиқарилмоқда. Тракторчилар Ёқубжон Нормирзаев, Жалол Акромов ва Аҳмаджон Бойхоновлар бу соҳада ўрнак бўлишмоқда. Ишни график асосида аниқ олиб борётган колхоз меҳнаткашлари 12 минг тоннадан зиёдроқ маҳаллий ўғит чиқардилар.

(ЎзТАГ).

КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Поп районидаги «Коммунизм» колхозининг ремонтчилари ва механизаторлари экиш-тикиш техникасини ва инвентарини районда биринчи бўлиб шай қилиб қўйдилар. Технология звенолари ишининг пухта ташкил этилганлиги барча сеялкалар, бороналар, тиркаш машиналари ва бошқа ускуналар ремонтини муддатидан илгари тугаллаш имконини берди.

Хўжалик механизаторлари машина-механизмларни эҳтиёт қилмоқдалар, дала шароитида уларни ўз вақтида техника кўригидан ўтказмоқдалар. Бу эса 30 та чопиқ тракторини яхши ҳолатда сақлашга ёрдам берди. Бу тракторлар салгина жорий ремонтдан чиқарилди.

СЕРҲОСИЛ НАВ

Иштихон районидаги «8 Март» номли ва Каттақўрғон районидаги «Пролетарий» колхозларида маккажўхорининг «Дўстлик» деб аталган янги дурагай уруғлиги тайёрланди. Бу уруғлик ўзининг серҳосилиги билан ажралиб туради. Тажриба шуни кўрсатдики, шундай нав уруғлик экилган майдоннинг ҳар гектаридан 160 центнергача дон олиш мумкин, кўкпоя ҳосилдорлиги эса 800 центнергача етади. Бундай кўкпоя таркибида тўйимли моддалар кўп бўлади.

Кўклам фаслида маккажўхорининг янги дурагайи уруғини Зарафшон водийсидаги кўпгина хўжаликларда экиш мўлжалланмоқда.

[ЎзТАГ].

ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ УЧУН

Сирдарё районида бу йилги биринчи қишлоқ нон комбинати ишга туширилди. Ҳар кечакундузда 45 тонна нон тайёрлайдиган бу завод Ўзбекистон матлубот кооперацияси новвойхоналари тармоғига қўшилди. Завод булка, булочка, оби нон пишириладиган механизациялашган поток линиялари билан таъминланган.

Нон комбинати Сирдарё райони ва унга қўшни Ворошилов ҳамда Оқолтин районлари меҳнатчиларига хизмат қилади.

Янги йилда «Узкоопстроймонтаж» трестининг бўлинмалари республика қишлоқларида бешта йирик нон заводи қуриш режасини белгилади.

(ЎзТАГ).

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТЎХТАТМАЙ

НАМАНГАН, 9 январь. (ЎзТАГ). Бугун Наманган шойи газламалар комбинатида калава ип ўрайдиган янги 30 та машина ишга туширилди. Калава ўрашдаги меҳнат унумдорлиги дарҳол 20 процент кўтарилди. Юксак самарали техника маънавий жиҳатдан эскирган аввали машиналарнинг ўрнини эгаллади.

Шу тарика комбинатни техника билан қайта қуроллантириш программасининг биринчи навбати тугалланди. Бу программага мувофиқ, ўтган йил бошидан бери 400 тадан кўпроқ янги машина-ускуналар ўрнатилди.

ЛЕНИНГА БАҒИШЛАНГАН ЛЕКЦИЯЛАР

9 январь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республика ташкилотларининг раҳбар ходимлари учун Ленинга бағишланган ижтимоий-сиёсий лекциялар туркумидан «Ривожланган социалистик жамият қурилганлиги — Ленин ғояларининг мужассамидир» мавзуида, навбатдаги лекция ўқилди.

Лекцияни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев ўқиди.

(ЎзТАГ).

ЮКСАК МАРРАЛАР

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ, ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1980 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, 1979 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарди. Бирлашма маҳсулот реализация қилиш тўрт йиллик планини 1979 йилнинг 7 ноябригача адо этди, шу йиллар ичида ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар ўсди, меҳнат унумдорлиги эса 79 процент кўпайди.

Бирлашма коллективи КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда сўзлаган нутқида ўртага қўйилган вазифаларга амал қилиб ва В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олишга интилиб, 1980 йил учун қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилади:

асосий буюмларни топшириш ва маҳсулот реализация қилиш юзасидан ўнинчи беш йиллик топшириғи муддатидан илгари, Улуғ Октябрнинг 63 йиллигигача бажарилади. Беш йиллик мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми 2,24 баравар ва меҳнат унумдорлиги 2 баравар оширилади. Ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш юзасидан 1980 йил плани 27 декабрда бажарилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш борасида партия ўртага қўйган вазифани ҳал эта бориб асосий технология асбоб-ускуналари ишининг сменали коэффициенти оширилиб, 1,51 гача ва программа билан бошқариладиган станоклар сменали коэффициенти 1,7 гача етказилади. Қўшимча равишда 500 номдаги детални программа билан бошқариладиган станокларда ишлов беришга ўтказилади. Ташкилий-техникавий тадбирларни жорий этиш ҳисобига беш йиллик ичида асосий маҳсулот ишлаб чиқаришга меҳнат сарфи икки баравар камайтирилиши таъминланади.

Бирлашма ходимлари асбоб-ускуналарнинг тежамли иш режимларини ва прогрессив технология жараёнларини жорий этишга куч-ғайрат сарфлаб, бир йил ичида 400 тонна қора ва рангли металларни камида 5,3 миллион киловатт-соат электр энергияси ва 650 тонна шартли ёқилғини тежаш мажбуриятини оладилар.

Бирлашмани социал ривожлантириш комплекс планини рўёбга чиқара бориб, камида 6200 ишчининг малакаси оширилади ва иккинчи касбларга ўргатилади, ишлаб чиқариш маданияти ва эстетикасини юксалтириш тадбирлари амалга оширилади. Камида 1000 оиланинг уй-жой шароитлари яхшиланади, дам олиш базаларида қўшимча равишда бирлашманинг камида 1500 меҳнатчиси ҳордиқ чиқариши таъминланади.

КПСС ленинчи Марказий Комитетини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтириб айтамизки, бирлашма ходимлари ўзларининг бутун куч-ғайратлари ва ижодий ташаббусларини қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажаришга сарфлайдилар, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини меҳнатда ютуқлар билан нишонлайдилар, беш йилликни муваффақиятли якунлайдилар ва шу табиқа КПСС XXV съезди қарорларини бажаришга муносиб ҳисса қўшадилар.

Мажбуриятлар В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси цехлари ва корхоналари меҳнаткашларининг йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

ЧИРЧИҚДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ «ЭЛЕКТРОХИМПРОМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1980 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини қунт билан амалга оширмоқдалар. Ишлаб чиқаришни ўстириш юзасидан беш йиллиқнинг тўрт йили топшириғи 4,1 процент ошириб бажарилди. Ўтган йилги план 23 декабрда адо этилди, қўшимча равишда 59 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилди.

Бирлашма коллективи КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумининг қарорларига ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган йўл-йўриқларга амал қилиб, ўз эътиборини иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, ҳар бир цех, ҳар бир бригадада уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш, топширилган иш учун кадрларнинг шахсий масъулиятини кучайтириш масалаларига қаратди.

Корхона коллективи беш йиллик топшириғини муваффақиятли бажариш учун ўтказилаётган социалистик мусобақани кенг авж олдириб ва В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан ўнинчи беш йиллик топшириғини 5 декабргача, минерал ўғит ишлаб чиқариш юзасидан эса шундай топшириқни 25 октябргача бажариш мажбуриятини олади.

Беш йилликкнинг якунловчи йилида планга қўшимча равишда бир миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш, пландан ташқари 12 минг тонна аммиак, 35 минг тонна минерал ўғит, шу жумладан 22 апрелгача 12 минг тонна ва шу йил ҳосили учун — 1 августгача 25 минг тонна шундай ўғит ишлаб чиқариш, пландан ташқари 300 минг сўм фойда олиш мўлжаллаб қўйилди. Беш йиллик мобайнида янги юксак самарали цехлар, технология линияларини ишга туширишда ва бирлашмани собиқдамлик билан реконструкция қилиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини энг кўп — 14,3 процент оширишни таъминлашга қарор қилинди.

Химия саноатини жадал ривожлантириш вазифасини ҳал қила туриб, йилнинг биринчи ярмида капролактам ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва йил охиригача планга қўшимча равишда 500 тонна ана шу қимматли хом ашёни ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Коллектив янги техника ва илғор технологияга оид 35 та тадбирни амалга ошириш, шу жумладан кучсиз азот кислотасидан ишлаб чиқаришни бошқариш системасини такомиллаштириш, метанол синтези катализаторининг сифатини яхшилаш мажбуриятини олади. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш йўли билан қўл меҳнати салмоғи 1,2 процент камайтирилади. Камида 550 та рационализаторлик таклифи ва ихтиролар ишлаб чиқаришга жорий этилиб, 400 минг сўм иқтисодий самара олинади.

Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг куч-ғайратини минерал ўғитлар ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишга қаратиб, нормада белгиланганига нисбатан камида 15 миллион киловатт-соат электр энергия, 4 минг гигакалорий иссиқлик энергияси, 400 тонна шартли ёқилғи тежашга қарор қилинди.

Коллективни социал ривожлантириш комплекс планига мувофиқ 1730 кишининг малакасини ошириш ва уларга иккинчи касб ўргатиш ҳамда 650 нафар янги ишчи тайёрлаш, химиклар турар-жой районида 12 минг квадрат метр уй-жой, 320 ўринли болалар боғча-яслилари, маиший хизмат кўрсатиш комбинати, алока бўлими, магазин ва ошхоналарни фойдаланишга топшириш кўзда тутилади.

Партия ва комсомол сиёсий ўқуви, иқтисодий таълим системасида, бутун ғоявий-тарбиявий ишда асосий эътибор Маркс, Энгельс, Ленин асарларини, КПССнинг тарихий тажрибасини конкрет иқтисодий ва сиёсий вазифаларни ҳал этиш билан маҳкам боғлаб ўрганишга қаратилади. «Ленинизм — давримизнинг революцион байроғи» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказиш мўлжаллаб қўйилди.

Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхозга, Чирчиқ шаҳридаги 8, 10, 15-мактабларга, индустриал техникумга ва 211-шаҳар ҳунартехника билим юртига оталиқ ёрдами кўрсатиш давом эттирилди.

Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнаткашлари 1980 йилни зарбдор иш, ленинчасига ишлаш йилига айлантиришга қатъий ваҳд қилганликларини изҳор этдилар.

Ушбу мажбуриятлар «Электрохимпром» бирлашмаси цехлари ва ишлаб чиқариш коллективларининг йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

24 ФЕВРАЛЬ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ЯГОНА БЛОК НОМЗОДЛАРИ

Республикамизда Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда. Республика меҳнаткашлари давлат ҳокимияти олий органини ташкил этишда кенг ҳуқуқларидан фойдаланиб, ўзларининг энг яхши намояндаларини кўрсатмоқдалар.

Тошкент шаҳри ва Тошкент областидан қуйидагилар Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди: Тошкент электрон техника заводи оператори **Наталья Юрьевна Тихомирова**, Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи **Ислом Ғаффорович Сатторов**, Ҳ. Сулаймонова номли Тошкент суд экспертизаси илмий-тадқиқот институтининг директори **Борис Ильич Пяхасов**, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори **Виктор Николаевич Сивец**, Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари **Толиб Содиқович Содиқов**, Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари **Георгий Минасович Саркисов**, Тошкент шаҳар «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг новвойи **Антонина Федоровна Шаповалова**, ВАСХНИЛ вице-президенти, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими президиумининг раиси **Садриддин Йўлдошев**, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори **Воҳид Қодиров**, Калинин район партия комитетининг биринчи секретари **Раҳмат Қамбаров**, Тошкент область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари **Сергей Тошқулович Тошқулов**, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти **Саъди Ҳасанович Сирожиддинов**, Ўзбекистон ССР қурилиш ишлари давлат комитетининг раиси **Василий Степанович Скребнев**.

Бухоро областида республика Олий Совети депутатлигига Ўзбекистон ССР кинематография давлат комитети раиси **Абдулаҳад Абдуллаев**, Томди районидаги «Юбилейний» совхозининг бош чўпони **Абдибой Абдураҳмонов** кўрсатилди.

Самарқанд областида бўлиб ўтган сайловолди йиғилишларида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига Самарқанддаги «8-Март» номли тикувчилик фабрикасининг тикувчи-мотористи **Фотима Назимовна Керимова**, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети раисининг биринчи ўринбосари **Владимир Иванович Шибалин**, Советобод район партия комитетининг биринчи секретари **Нурмамат Элбоев**, Пайариқ районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси **Неъмат Азимов** номзод қилиб кўрсатилди.

Қашқадарё областида бўлиб ўтган сайловолди йиғилишларининг иштирокчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига Яккабоғ районидаги Энгельс номли колхоз раиси **Момахол Узоқовани**, Косон районидаги Энгельс номли совхоз механизатори **Назира Боймуродовна Нурқувватовани**, Ўзбекистон ССР тайёрлов министри **Хушвақт Ражабович Қўйбоқарова**ни номзод қилиб кўрсатдилар.

Наманган областида республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб Намангандаги КПСС XXV съезди номли аврли газламалар комбинатининг директори **Камолхон Эгамбердиев**, Норин районидаги Калинин номли колхоз звено бошлиғи **Ҳаннифахон Мингбоева**, Тўрақўрғон районидаги «Намуна» колхозининг звено бошлиғи **Роҳатой Ҳасанбоевна Алматова**, Учқўрғон район партия комитетининг биринчи секретари **Йўлдошали Қўлдошев**, Ўзбекистон ССР ички ишлар министри **Қудрат Эргашев** кўрсатилди.

Сирдарё областида бўлиб ўтган сайловолди йиғилишларида Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига қуйидагилар номзод қилиб кўрсатилди: Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири **Қаландар Товров**, «Узбекбирлашув» правлениесининг раиси **Зиё Шарофутдинович Сирожов**, Янгиер районидаги В. И. Ленин номли винокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатининг арматурачиси **Валентина Степановна Желонкина**.

Сурхондарё областида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига Жарқўрғон район партия комитетининг биринчи секретари **Эшниёз Рустамов**, Термиз шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Холиддин Тожиддинов**, Тошкент Олий партия мактабининг ректори **Мирзағани Искандаров** кўрсатилди.

(ЎзТАГ).

ҚИЗҒИН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Республикада бўлиб ўтаётган сайловолди кенгашларининг иштирокчилари коммунистлар билан партиясизлар мустаҳкам блокининг номзодларини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар.

Сайловолди кенгашларининг иштирокчилари республиканинг қонун чиқарувчи олий органи депутатлигига Бухоро тўқимачилик комбинати йигирувчиси **Барно Деҳқоновна Истамова**, академик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси биринчи бош директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Маҳмуд Мирзаевич Мирзаев**, Самарқанд суг саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси бригада бошлиғи **Тош Темирова**, Сурхондарё областидаги «Шарғун» шахтасининг портлатувчи мастери **Рашид Сандов**, Фарғона область «Фарғона» совхози ишчиси **Майрамхон Нишонова**, «СирдарьяГРЭСстрой» қурилиш бошқармасининг бошлиғи **Самуил Самуилович Функ**, Хоразм область Қўшкўпир районидаги Охунбобоев номли колхоз механизатори **Роҳатпошша Исмоилова Сандова**, Фарғона область Охунбобоев районидаги В. И. Ленин номли колхоз раиси **Карим Йўлдошевич Охунбобоев**, Намангандаги Беш йиллик номли нотўқима материаллар фабрикасининг танда қуювчиси **Ника Ильинична Янковская**, Тошкент область «Пискент-1» совхозининг бригада бошлиғи **Дилбар Бойматовна Норматова**, Наманган область Поп районидаги «Коммунизм» колхозининг механизатори **Қаҳҳоржон Қодиров** номзоднинг якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

(ЎзТАГ).

НАТОнинг жиноий режалари барбод этилсин

НАТОнинг Ғарбий Европадаги Америка ракета-ядро қуроли янги типларини жойлаштириш режаларига қарши жаҳон жамоатчилигининг норозилик тўлқини кучайиб бормоқда. Ер юзидаги сафдил кишилар бу режаларни тинчлик ва халқаро кескинликни юмшатиш ишига ҳавф, деб ҳақли равишда ҳисобламоқдалар.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари АҚШ милитаристлари билан НАТО стратеглари ниг машъум режаларини кескин қоралаб, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Берлиндаги тантаналарда сўзлаган нутқида баён этилган янги тинчлик таклифларини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

АҚШ ҳукумати билан НАТОдаги қизғинлар кескинликни кучайтиришга ва қуролланиш пойгасининг янги даврасини бошлашга интилаётганликларини яққол кўрсатиб, бутун дунё аҳлига даъвога солмоқдалар, деди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, «Зеленоградстрой» бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Н. Злобин. Шу тарика милитаристлар Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлардан ҳарбий устунликка эришиб олишга, дунёни ракета-ядро уруши ёқасига олиб бориб қўйишга интилмоқдалар.

ТАСС баёнотида АҚШнинг милитарист доиралари Совет Иттифоқидагилар эўравонлик позициясида туриб қилинадиган мулохотни қабул этмайдилар, деб огоҳлантирилди. Совет — Америка муносабатларига олисни кўзлаб сергаклик билан ёндашмоқ керак. Халқаро кескинликни юмшатиш дунёдаги барча халқларга керак бўлганидек, совет халқига ҳам, Америка халқига ҳам керакдир.

Коммунистик партия билан Совет давлатининг, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг қатъий ва изчил тинчликсеварлик сиёсати — Ер қуррасидаги барча халқлар учун тинчлик ва бахт-саодатнинг ишончли гаровидир.

Тожикистон ССР кинематографиячилари союзи правлениесининг биринчи секретари В. Аҳадов бундай деди:

— НАТОнинг Брюсселда қабул қилган қарори билан айни бир вақтда президент Картер Вашингтонда АҚШ қуролярогларини кўпайтиришнинг беш йиллик программасини эълон қилганини, энди эса сенатда СҚЧ-2 шартномасининг муҳокамасини тўхтатиб қўйганини, СССР билан савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни чеклаётганини жаҳон халқлари кескин қораламоқдалар. Шундай қилиб Қўшма Штатлар бошчилигидаги НАТО халқаро кескинликни ва ракета-қуроллари пойгасини кучайтиришнинг янги босқичини бошламоқда. Бу «эўравонлик позициясида туриш» сиёсатига қайтишнинг ўзидир.

Ҳали ҳеч ким Совет Иттифоқини қўркита олган ва бунга муваффақ бўла олмайди. АҚШ маъмуриятининг сафсатабозлик билан қилаётган дўқ-пўписалари Америка империализмининг заифлигидан далолат беради, холос.

Бутун умримни Ер тўғрисидаги фанга бағишлаган менделек киши учун инсон қўли билан Ер юзида яратилган ҳамма гўзалликлар батамом вайрон бўлиши мумкинлигини ўйлаш ачинарлидир, деди В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги, Узоқ Шарқ қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг директори Г. Казьмин. Якин тарихнинг аччиқ сабоқлари океан ортидаги уруш оловини ёқувчиларга нақотки ҳеч нарсани ўргатмаган бўлса? Вьетнамда ажал қуролларини ишга солиб, миллион-миллион кишиларнинг эзоб-ўқубатига сабаб бўлган, қайвонот ва ўсимлик дунёсига бузғунчилик таъсирини ўтказган америкалик агрессорларни Ер юзидаги барча сафдил кишилар қораладилар.

АҚШ бир қанча бошқа мамлакатларнинг ҳам мустақиллигига хавф солмоқда. Улар ақсилинқилобчи кучларнинг ёрдами билан Афғонистонни Чилининг янги нусхасига айлантиришга уриндилар. Аммо Совет Иттифокининг афғон халқига берган дўстона ёрдами уларнинг машъум режаларини барбод этди. Бу ёрдам иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага асосланади. Энди бўлса АҚШ президенти СССРни Афғонистон ишларига аралашди, деб риёкорлик билан айбламоқда. Пролетар интернационализми принципларига содиқ бўлган Октябрь мамлакати ҳамиша мазлум халқларнинг миллий озодлик курраши тарафида бўлиб келгани ва доимо шундай қилишини президент унутиб қўймоқда.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ П. Ю. ЮСУПОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Пўлат Юнусович **ЮСУПОВ** Ўзбекистон ССР Ўрмон хўжалиги министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Секретарь учун — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси

В. КОЗИМОВ.

1980 йил 9 январь.
Тошкент шаҳри.

РАСМИЙ АХБОРОТ

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «1980 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришга илғор технологияларни жорий этиш тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда кунгабоқар, қанд лавлаги, соя, узун пояли зиғир, картошка, помидор ва бош пиёзни ана шу экинлар ҳосилдорлигини анча оширишга ва меҳнат сарфини камайтиришга имкон берадиган янги илғор технологиялар асосида етиштириш соҳасидаги топшириқлар кўзда тутилган.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР «Госкомсельхозтехника»си ва В. И. Ленин номли Бутииттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академиясига ана шу экинларни янги технологиялар асосида етиштиришнинг технологик ҳарталарини ишлаб чиқиш топширилди. Ана шу технологиялар гектар бошига 300 центнер миқдорда картошка ҳосили, 5—6 центнердан узун пояли зиғир, 200 центнер бош пиёз, 350—500 центнердан қанд лавлаги, 25 центнер соя, 400 центнер помидор ва 30 центнер кунгабокар уруғи ҳосили олинишини таъминлаши лозим. Хўжаликлар учун ана шу технологияларни қўлланиш юзасидан тавсияларни нашр этиш ҳам топширилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва СССР «Госкомсельхозтехника»си қишлоқ хўжалик экинлари янги илғор технологиялар асосида етиштиришга раҳбарлик қилиш воситалари ва бошқа моддий ресурслар ажратиб берилишини таъминлашлари, механизаторлар ва хўжаликларнинг мутахассисларини ўқитишни ташкил этишлари керак.

Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигига тегишли юқори унумли техникани ишлаб чиқариш юзасидан топшириқлар белгиланди.

МАҲСУЛОТНИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ЯҲШИЛАНСИН

СССР Министрлар Совети саноат маҳсулотининг техникавий даражаси ва сифатини оширишда уни аттестациядан ўтказиш ролини янада кучайтириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда қайд этилдики, СССР министрликлари ва идоралари ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига буюмларнинг техникавий даражаси ва сифатини оширишнинг, уларни ишлаб чиқариш технологиясини ва ташкил этилишини такомиллаштиришнинг муҳим воситаси бўлмиш маҳсулот аттестациясидан тўлиқ даражада фойдаланмаяптилар. Бир қанча ҳолларда техникавий даражаси Ватанимиздаги ва чет эллардаги энг яхши ютуқларга мос келмайдиган маҳсулот олий сифат категориясига ўтказилмоқда. Давлат Сифат белгиси қўйилган кўпгина буюмлар ишлаб чиқарилмаяпти. СССР Стандартлар давлат комитети саноат маҳсулотини аттестациядан ўтказиш ишига зарур методик раҳбарликни таъминламаяпти, кўпинча белгиланган талабларга мос келмайдиган маҳсулотни олий сифат категориясига ўтказиш тўғрисидаги қарорларнинг рўйхатга олинишига йўл қўймоқда.

СССР Министрлар Совети СССР министрликлари ва идораларига ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига шу ишдаги камчиликлар бартараф этилишини таъминлаш, маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини ҳар томонлама холис баҳоламоқ учун аттестациядан тўла даражада фойдаланиш, уни мунтазам суратда янгилаш, юқори сифатли буюмлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мажбуриятини юклайди.

Қарорда маҳсулотни уч (олий, биринчи ва иккинчи) сифат категориялари бўйича аттестациядан ўтказишга тааллуқли қоидалар бор. Шу нарса белгилаб қўйилганки, буюмларнинг муайян турлари, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари, медицинага доир маҳсулотлар, парфюмерия-косметика, китоблар, бадиий ҳунармандчилик буюмлари, санъат асарлари ва бошқа бир қанча буюмлар аттестациядан ўтказилмайди.

Ватанимиздаги ва чет эллардаги энг яхши ютуқлардан устун турадиган ёки уларга мос келадиган, халқ хўжалигидаги техника тараққиётини белгилаб берадиган, юксак иқтисодий самарага эга бўлган, ташқи бозорда рақобатга қодир бўлган маҳсулот олий сифат категориясига ўтказилиши мумкин. Маҳсулотни аттестациядан ўтказиш чоғида унинг бадиий-эстетик характеристикалари, енгил саноат маҳсулотлари аттестациядан ўтказилаётган вақтда эса моданинг талаблари ва тасдиқланган намуналар (эталонлар)га мос келиши ҳам ҳисобга олиниши мумкин.

Маҳсулотни олий сифат категориясига тайёрловчи министрлик (идора) тузадиган давлат аттестация комиссияси ўтказиши керак. Комиссия составига манфаатдор ташкилотларнинг, шу жумладан буюртмачи министрлик (идора)нинг, СССР Стандартлар давлат комитетининг, СССР Савдо министрлигининг, ВЦСПС ёки касаба союз марказий комитетининг вакиллари киритилади.

Тайёрловчи министрликлар, идоралар ва корхоналар (ташкилотлар) олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқармоқ учун мавжуд ресурслардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланишлари шарт.

Маҳсулотни уч сифат категорияси бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби барча министрликлар ва идоралар учун мажбурий бўлиб, уни ўтказиш тартибини тасдиқлаш СССР Стандартлар давлат комитетига, СССР Фан ва техника давлат комитетига ва Госпланга топширилди.

Тегишли органларга министрликлар ва идораларни маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатига баҳо бериш учун зарур бўлган ахборот справка материаллари билан таъминлаш ҳамда саноат маҳсулотини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги статистика ҳисоботини аниқлаш масалалари юзасидан йўл-йўриқлар берилди, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини баҳолаш тартибини белгилаш топширилди.

ТЕХНИКА КОНТРОЛИ БЎЛИМЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети саноат корхонаси (бирлашмаси) техника контроли бўлими (бошқармаси) тўғрисидаги типовой низомни тасдиқлади.

Низомда кўзда тутилганидек, техника контроли бўлими одатда саноат корхонаси (бирлашмаси)нинг мустақил структуравий бўлинмасидир. Корхона (бирлашма)нинг стандартлар талаблари ва техника шартларига, тасдиқланган намуналар (эталонлар)га лойиҳа конструкторлик ва техника ҳужжатларига, маҳсулот етказиб бериш шартлари ва шартномадаги шартларга мос келмайдиган маҳсулот ишлаб чиқариш (етказиб бериш)нинг олдини олиш, шунингдек ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш ва чиқарилаётган маҳсулот сифати учун ишлаб чиқаришдаги ҳамма бўғинларнинг масъулиятини ошириш техника контроли бўлимининг бош вазифаларидир.

Низомда техника контроли бўлимининг вазифалари, техника контроли бўлими бошлиғининг ҳамда бошқа ходимларининг ҳуқуқлари, бурчлари ва масъулияти кенг таърифлаб берилган.

Жумладан, тайёр маҳсулот, хом ашё, материаллар, ярим фабрикатлар ва комплектловчи буюмларнинг сифатини, технология машина-ускуналари ва асбобларнинг сифати ҳамда ҳолатини, маҳсулот, хом ашё, материалларни, комплектловчи буюмлар ва асбобларни корхона (бирлашма) ичида ишлаб чиқариш, идишларга жойлаш, асраш, ортиш ва ташиш шарт-шароитларини тасдиқланган технология жараёнида кўзда тутилмаган танлаб текширишларни тайинлаш ва уларни ўтказиш техника контроли бўлимига юклатилади.

Техника контроли бўлимининг бошлиғи бирлашма (корхона)нинг тегишли бўлинмалари ва мансабдор шахсларга маҳсулот нуқсонларининг юзага келиш сабабларини ҳамда ишлаб чиқариш технологияси бузилишларини бартараф этиш ва белгиланган талабларга мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш юзасидан бошқа зарур чораларни амалга ошириш тўғрисида ижро этиш учун мажбурий бўлган талабларни қўйиш ҳуқуқига эга.

Маҳсулот сифатини контроль қилишни кучайтириш мақсадида техника контроли бўлими бошлиғи корхона (бирлашма) директори (раҳбари)га эмас, балки юқори орган, министрлик (идора)нинг маҳсулот сифатини белгиловчи бош инспекцияси ёки унинг вазифалари юклатилган бошқа бўлинма бўйсунувига министрлик (идора)нинг ўтказиши мумкинлиги кўзда тутилган.

* * *

СССР Министрлар Совети бошқа бир қанча масалалар юзасидан ҳам, шу жумладан:

қурилиш учун механизациялаштирилган ва қўлда ишлатиладиган қурилиш-монтаж асбобларини, пардозлаш ишлари учун машиналарни ва кичик механизация бошқа воситаларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш тадбирлари тўғрисида;

ўрмон саноати ва ўрмон хўжалиги ишларида банд бўлган ишчи ҳамда хизматчиларнинг меҳнат шароитлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида;

ерларни тўғрилатиб суғоришни ривожлантириш тадбирлари тўғрисида;

гўшт чорвачилиги ва паррандачилиги объектларини лойиҳалаш ва қуриш муддатларини қисқартириш тадбирлари ҳақида;

II группа Ватан уруши инвалидларини транспорт воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш тўғрисида қарорлар қабул қилди.

(ТАСС).

Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи янги — 1980 йилни муваффақиятли бошлади. Пойтахт тўқимачилари В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини смена топшириқларини мунтазам равишда ошириб бажариш билан нишонлаш мажбуриятини олганлар. Суратда: ишлаб чиқариш илғорларидан бири, тайёр маҳсулотлар сифати назоратчиси Феруза Каримова.

И. Глауберзон фотолари.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

● ТЮМЕНЬ. Тайгадаги Покачев нефть конида қурилган янги комплекс мамлакат шаҳарлари билан мустаҳкам алоқани таъминлайди. Бу комплекс составига юз номерли АТС, шаҳарлараро коммутатор, радиостанция, телетайп узели кирган. Яқин вақт ичида Тюмень шимолидаги барча олис нефть конлари янги алоқа комплекслари билан таъминланади.

● ПЕНЗА. 5-юк ташиш корхонаси беш йиллик бошидан буён тежалган бензин билан бир ой давомида ишлаши мумкин. Бу ерда ҳар бир ҳайдовчи махсус карта-схемага эга бўлиб, унда юк ташишнинг энг қисқа маршрутлари кўрсатилган. Машиналар пухта техника контролидан ўтказиб турилади. Ҳозирги вақтда ёқилғини тежаш учун курашда Пенза автомобилчиларидан кўпчилиги қатнашмоқда. Бултур биргина область автомобиль транспорти бошқармасининг ҳайдовчилари қариб икки ярим минг тонна ёнилғини тежадилар.

● МАХАРАДЗЕ (Грузия ССР). Гурнант қишлоғи колхозида меҳнат ветеранлари клуби ташкил қилинди. Бу клуб 200 дан зиёд пенсионерни бирлаштирди. Бу пенсионерлар чой ва цитрус экинлар етиштирадиган майдонларда, чорвачилик фермасида, ўт талқон тайёрлайдиган цехда меҳнат қилишни давом эттирмоқдалар. Улар ўз билимларини ёшларга ўргатмоқдалар. Пенсионерларнинг ташаббуси билан чойхорлар бригадаси мактаби тузилди.

● ОЛМАОТА. Қозоғистондаги паррандачилик фабрикалари реконструкция қилинганлиги ва янги фабрикалар қурилганлиги туфайли беш йиллик бошидан буён уларнинг қуввати икки баробар кўпайди. Паррандабоқарлар резервлардан кенг фойдаланмоқдалар: паррандани боқиш графигини тиғизлаштирмоқдалар, ёз фаслида кўплаб жўжаларни очиқ майдончаларда боқмоқдалар. Республика паррандачилик саноатининг меҳнаткашлари давлатга парҳез гўшт ва тухум сотиш беш йиллик планини В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача бажариш мажбуриятини олдилар.

● УХТА (Коми АССР). Ухтадаги нефтни қайта ишлаш заводига юқори сифатли хом ашё келтирилди. Нефтни туз ва сувдан тозалайдиган иккинчи блок муддатидан илгари ишга туширилди. Бу қурилма хом ашёни қайта ишлашда фойдаланилаётган ускуналарнинг хизмат муддатини анча узайтириш имконини беради.

(ТАСС).

Совет санъатининг ифтихори

СССР халқ артисти, Ленин мукофоти лауреати Галина Сергеевна Уланованинг юбилей кечаси завқли санъат байрами бўлди. Юбилей кечаси 8 январь куни ССР Иттифоқи Большой театрида ўтказилди. Машҳур балерина ҳаёти ва ижодининг 35 йилдан кўпроғи шу саҳна билан боғланган. Шу ерда у ҳақиқатни ва инсон руҳининг гўзаллигини қарор топтириб, ўзининг энг яхши ролларини зўр маҳорат билан ижро этди, эндиликда эса санъатқорга хос бебаҳо тажрибаси ва маҳоратини ёшларга ўргатмоқда.

Ватан артистнинг ижодий жасоратини юксак баҳолади: совет хореография санъатини ривожлантиришдаги ғоят катта хизматлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. С. Уланова Ленин ордени ҳамда иккинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медалига сазовор бўлди. Юбилей кечасининг иштирокчилари уни ана шу мукофот билан сидқидилдан муборакбод этдилар.

Кечада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР маданият министри П. Н. Демичев иштирок этди. Франция Компартиясининг Бош секретари Ж. Марше ҳозир бўлди.

«Шчелкунчик» балети намойиш қилинди. Бунда бош ролларни Г. С. Уланованинг шогирдлари — Екатерина Максимова билан Владимир Васильев ижро этдилар.

(ТАСС).

РЕВОЛЮЦИЯ ЧАВАНДОЗИ НОМЛИ

Наманган шаҳар ижроия комитетининг қарорига мувофиқ шаҳарнинг шимолий зонасида қурилаётган янги кўчалардан бири Туркистондаги граждан уруши қаҳрамони Марк Ильич Поликовский номи билан аталди. Область жанговар ва меҳнат шуҳрати уйида олдин III Интернационал номидаги Кўқон партизанлар отрядининг командири, кейинчалик эса Фарғона биринчи отлиқлар командири бўлган М. И. Поликовский босиб ўтган шонли йўл тўғрисида ҳикоя қилувчи стендлар очилди. Тўпланган материаллар ёш Совет республикасининг душманларига қарши курашда кўрсатилган жанговар жасоратлари тўғрисида ҳикоя қилади.

Бу тадбирлар қизил командир туғилган кунининг 90 йиллигига бағишланган. Шон-шуҳрат уйида революция ва граждандар уруши ветеранларининг шаҳар ёшлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ).

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Олий Совети Президиумининг 1979 йил 29 декабрдаги фармонига биноан Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган кўп болали 607 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди, уларга «Қаҳрамон она» ордени ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топширилади.

(ЎзТАГ).

В. И. ЛЕНИН БИЛАН УЧРАШГАНЛАР

ТАРИХ ГУВОҲЛИК БЕРАДИ

1919 йил, 22 ноябрь. Москвада Шарқ халқлари коммунистик ташкилотларининг Бутииттифоқ II съезди очилди. Съездга Туркистондан ҳам вакиллар боришди. Улар орасида андижонлик Ҳаққул Ҳусанбоев ҳам бор эди. Владимир Ильич Туркистондан борган вакилларни қабул қилиб, улар билан самимий суҳбатлашганди. Бу ҳақда Ҳаққул Ҳусанбоев шундай ёзган эди:

...Ильич мажлис залига съезд бошлангунча келган эди. Тўпланиб турган вакиллар уни бир зумда ўраб олишди. Мазмунли ва мароқли суҳбат бошланди. Владимир Ильич ҳамма вакилларга алоҳида эътибор бериб, уларнинг ҳар бири билан бирма-бир сўрашиб чиқди. У вакиллар сўзини мароқ билан тингларди. Ильич вакилларнинг пролетар давлатининг маркази — Москвадан олган таассуротларини сўради.

Бу менинг биринчи учрашувим бўлса-да, Ильич менда энг қадрдон кишидай самимий таассурот қолдирди. Ҳаммадан ҳам Ленининг самимий суҳбати, қалбимизни мафтун этган содда сўзлари, унинг биз билан дўстона муомаласи, камтарлиги бизни ҳайратда қолдирди...

«Эртаси куни, — деб ҳотирлайди Ҳусанбоев, — В. И. Ленин бизни қабул қилди... Стол атрофидаги стулларга ҳамма ўтира бошлади. Менга стул етмай қолди. Владимир Ильич буни дарҳол пайқади. Ҳаяжонга тушиб қолибман шекилли, ён-веримга қарашга ҳам улгуролмай турган эдим:

— Марҳамат, ўтиринг, — деди Ленин менга стул келтириб қўяр экан.

— Раҳмат, — дедим мен ҳаяжондан қизариб.

Суҳбатимиз бошланди.

Биз Ленинга Ўзбекистоннинг сиёсий ва хўжалик аҳволи тўғрисида сўзлаб бердик... Суҳбатимизда Марказий Ўрнини миллий масала эгаллади. Бу масалага В. И. Ленин алоҳида эътибор берган эди. Туркистондаги маҳаллий аҳолининг сони, уларнинг неча проценти партияга кирганлиги, маҳаллий халқнинг социалистик қурилишда қатнашуви ва бошқа масалалар Ильични жиддий қизиқтириб, у биздан бу саволларга тўлиқ маълумот беришни сўради. Биз Туркистонда партия ва Совет кадрлари жуда камлигини айтиб, Ильичдан янги ходимлар юборишни илтимос қилдик. Ильич Бутииттифоқ Марказий Ижроия Комитети Туркистон ишлари бўйича Комиссиясининг яқиндагина Туркистонга жўнатилганини айтиб, яна ёрдам қилишга ваъда берди. Шу билан бирга, Туркистон ишчи-деҳқонлари орасидан маҳаллий партия, совет кадрларини тарбиялаб етиштириш зарурлигини айтиб, бу энг муҳим иш, деб таъкидлади...

Худди шу суҳбатда Ильич Ўрта Осиёда миллий чегараланиш ўтказиш тўғрисидаги фикрни кун тартибига қўйди... Биз Владимир Ильичга империалистик уруш, ҳарбий интервенция, гражданлар уруши оқибатида Туркистон хўжалигида юз берган тушкунлик ҳақида гапириб бердик. Айниқса, пахтачилик соҳасидаги қийинчиликлар, ҳосилнинг камайиб кетганлиги ҳақида гапириб, Ильичдан галла ва мануфактура ёрдами беришни сўрадик.

— Сизлар, — деди Ильич, — Марказий районларга қараганда галлага бойсиз, мануфактура масаласида, мен талабингизни бажаришга ҳаракат қилиб, зарур тадбирларни кўриб чиқаман.

Ленин ваъдага амал қилди. Делегациямиз икки қисмга бўлиниб, бир қисми Туркистонга жўнаб кетди, иккинчи қисми Москвада қолиб, пул ва мануфактура ортилган поезд билан Туркистонга йўл олишди...

Биннинг зарари хусусида ҳам суҳбатимиз қизиб кетган эди. Ильич динга қарши пропаганда олиб бориш усулларини бизга ўргатган эди.

Бутун суҳбат давомида Ильич ўзи оз сўзлаб, кўпроқ биларнинг сўзларимизни тингларди. Суҳбат охирида у биздан кўрилган барча масалалар бўйича доклад ёзиб топширишни сўради... Биз докладни ёзиб, иккинчи марта агар янглишмасам, VII Советлар съезидан кейин Ленин ҳузурига келиб, бу қоғозни унга тапширдик».

Ҳаққул Ҳусанбоев ўз эсдалигида: «Ҳозир докладнинг нусхаси қўлимда бўлмаганлиги сабабли унда қайд этилган масалаларни аниқ айтиб беролмасам-да, доклад тахминан Ленин билан биринчи марта учрашганимиздаги суҳбатимизда кўтарилган масалаларни ўз ичига олганини эслайман. Менингча, бизнинг докладимиз Москва архивларида сақланаётган бўлиши керак», деб ёзганди.

Шундан буён 60 йилдан ошиқроқ вақт ўтди. Биз Москвадаги Марказий давлат архивининг 1235-фондидан ана шу мактубни топишга муваффақ бўлдик. Бу нодир тарихий ҳужжат қўлимизда. Хат олти варақ бўлиб, унинг тагида «Туркистон республикаси вакиллари, Бутииттифоқ Советлари VII съезди аъзолари: П. Кобозев, Ҳ. Иброҳимов, Отарбоев, Бисеров, Ҳусанбоев, Г. Иванов, А. Муҳитдинов, вакиллар котиби А. Кинги. 15 декабрь, 1919 йил. Москва» сўзлари ёзилган.

Хатда ўлкадаги ҳарбий-хўжалик аҳвол, зарур бўлган ёрдам масалалари, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг республикада олиб бораётган миллий сиёсати баён этилган. Шунингдек, Ўрта Осиё халқлари Буюк Британия империализмига қарам бўлиб қолмаслиги учун Марказий Россия билан Совет Туркистонининг мустаҳкам бирлиги, ҳамкорлигига эришиш фавқулодда зарурлиги, бунга эришиш учун В. И. Ленин ишлаб чиққан партиянинг миллий сиёсатини Ўрта Осиёда тўғри олиб бориш, Туркистон миллатларига нисбатан юмшоқ сиёсат юргизишнинг аҳамияти хатда ўз ифодасини топган.

1920 йил, 8 январь. Советларнинг VII съездида қатнашган Туркистон делегацияси поезд билан Тошкентга жўнади. Делегация билан бир группа партия ва совет ходимлари, мутахассис кадрлар ҳам бор эди. 20 январда поезд Самарага келди. Кучли бўрон, қалин қор темир йўлни ишдан чиқарди. Поезд ҳаракати тўхтади. Ҳ. Ҳусанбоев, Ҳ. Отарбоев Самарадан қўшилган Файзулла Хўжаев билан бирга Туркфронт қўмондони поезди билан 23 январь куни йўлга чиқишди, тез орада улар Тошкентга етиб келишди...

Ленин билан учрашиб суҳбатлашиш, унинг номига Ўрта Осиё халқлари номидан хат ёзиш бахтига муяссар бўлган Ҳаққул Ҳусанбоев Андижон уезди шаҳар революцион комитетининг раиси сифатида кўп ишлар қилди. У 1921—1922 йилларда Помир ревкомида раислик қилди. 1925 йили Бухорода бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Советлари қурултойи ҳамда Ўзкомпартиянинг I съездида қатнашди, кейин Қашқадарё, Тошкент областларида партия ва совет ташкилотларида масъул лавозимларда ишлади. Ер-сув ислоҳоти, коллективлаштириш ишида ташкилотчилик қилди. Ҳусанбоев 1932—1937 йилларда ҳозирги Ўзбекистон халқлари тарихи музейига директорлик қилди. У умрининг охиригача Ленин ғояларини тарғиб қилди.

Р. ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари кандидати.
А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОБ-ҲАВО ХИЗМАТИГА ЯРИМ АСР

Об-ҳавонинг қандай бўлиши ҳаммани қизиқтиради. Об-ҳавони ўрганишнинг бош илмий-тадқиқот маркази — СССР Гидрометеорология марказидир.

Унинг халқ хўжалигида аҳамияти жуда катта. Бу ерда ҳар куни шимолий, жанубий ярим шар, тропик зонанинг 150 дан зиёд синоптик ва аэрологик ҳариталари тузилади. Бу ҳаритаҳар ер сатҳидан 11 хил баландликда (30 километрдан кўпроқ баландликкача) ҳар 12 соатда бир марта планета атмосфераси ҳолатини акс эттиради. Об-ҳавонинг қандай бўлишини билмасдан туриб битта ҳам теплоход йўлга чиқмайди, самолёт парвоз қилмайди. Об-ҳаво хизмати халқ хўжалиги тармоқлари учун об-ҳаво маълумотини олдиндан ихтисослаштирилган ҳолда тузиб чиқади.

СССР Гидрометеорология марказининг 50 йиллигига бағишлаб 8 январь куни Москвада Союзлар уйининг Колонна залида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда шу фактлар тилга олинди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари З. Н. Нуриев президиумда ҳозир бўлдилар.

Министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, чет элдан келган олимлар йиғилишда қатнашдилар.

(ТАСС).

НАЗАРИЯ БИЛАН ПРАКТИКАНИНГ БИРЛИГИ

«КПСС XXV съезди: назария билан практиканинг бирлиги» номли тўпламнинг рус тилидаги бешинчи китоби нашр этилди.

Бу китоб КПСС ва Совет ҳукумати раҳбарларининг 1978 йил иккинчи ярмидан бошлаб 1979 йилнинг биринчи ярмигача эълон қилинган мақолалари ва нутқларидан иборат. Бу мақолалар ва нутқларда КПСС XXV съезди қарорлари асосида Коммунистик партия назарий ва амалий ишининг энг муҳим йўналишлари акс этган. Ўнинчи беш йиллик топшириқларини амалга ошириш йўлида совет халқининг зўр ғайрат билан қилаётган ишлари кўрсатилган.

Тўплам материалларида шунингдек халқаро муносабатларнинг, жаҳон революцион жараёнининг муҳим проблемалари чуқур тадқиқ этилган.

Тўплам Сиёсий адабиёт нашриётида тайёрланди ва Москвадаги «Красний пролетарий» босмахонасида босиб чиқарилди.

(ТАСС).

Рашид Толибоев Тошкент асбобсозлик заводининг экспериментал участкасида ишлаётганига 23 йил бўлди. Унинг иштирокида кўплаб янги дастгоҳлар, приборлар тайёрланиб, янги техника ўзлаштирилди. Суратда: коммунистик меҳнат зарбдори, фрезерчи Р. Толибоев.

АГИТПУНКТ ЧИРОҚЛАРИ

ҲОЗИРЛИК

Ленин районидаги 1-сайлов участкасига қарашли агитпункт шу кунларда сайловчилар билан гавжум. Бу ерда сайловчилар маданий ҳордиқ чиқаришлари, сайловга доир турли адабиётлар билан танишишлари учун барча шароит муҳайё қилинган.

Агитпунктда сайлов участкасида олиб бориладиган иш плани кўзга кўринарли ерга осиб қўйилган. Агитаторлар навбатчилиги ташкил этилган. Улар сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бермоқдалар.

Сайловчилар учун «Депутат — халқнинг ишончли вакили», «Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантирамиз», «КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми (1979 йил) қарорлари тўғрисида», «Совет сайлов системаси ҳақида» деган темаларда лекция ва суҳбатлар ўқилмоқда.

КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ

Қарши шаҳридаги 3-«Эски Ангор» сайлов участкасида Ўзбекистон ССР Олий Совети ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига бўладиган сайловларга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. «Ирригатор» клубида жойлашган агитпункт сайловга доир турли шиорлар ва кўргазмалар билан безатилган.

Яқинда клубдаги кутубхонада сайловга бағишланган китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Республика, область ва шаҳарнинг сайловдан-сайловгача бўлган юксалиши ҳақида ҳикоя қилувчи фотомонтаж ҳам чиқарилди.

Агитпунктнинг ўнлаб агитаторлари, сиёсий ташкилотчилари сайловчилар билан учрашувлар, лекция ва суҳбатлар уюштиришяпти. Ольга Шагалина, Карим Менглиев, Муҳиддин Ҳайдаров, Ҳаким Дўстёров сингари агитаторлар ва сиёсий ташкилотчилар фаолияти мақтовга лойиқдир.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЕНМА-ЕН

НУКУС («Совет Ўзбекистони» мухбири). Автоном Республика Олий Советига ва маҳаллий Советларга сайловга тайёргарлик ишлари авж олмоқда.

Область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими сайловчилар ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни авж олдириш мақсадида тадбирлар ишлаб чиқиб, уни амалга оширмоқда. Клублар, маданият саройлари, кутубхоналар ҳозирданоқ сайловчиларнинг маданий дам олиш марказига айлантирилди. Шаҳар ва районларда, агитатор, сиёсий ахборотчи, сиёсий ташкилотчи, сиёсий докладчи ва лекторлар сафи ишлаб чиқариш новаторлари, олимлар, агрономлар, зоотехниклар, врачлар, ўқитувчилар ҳисобига тўлдирилди. Семинар-кенгашлар ўтказилиб, уларга тегишли йўл-йўриқлар берилди.

Шу кеча-кундузда Автоном Республикада 8600 агитатор, 2568 сиёсий ахборотчи, 1675 сиёсий ташкилотчи, 744 сиёсий докладчи, шунингдек 1500 дан кўпроқ лекторлар меҳнаткашлар ўртасида оммавий-сиёсий, тарбиявий ишларни олиб бормоқдалар. СССР Конституцияси, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Конституциялари ҳақида ҳамда «Ўзбекистон — СССРнинг асосий пахта базаси», «Қорақалпоғистон да шоличилик янада ривожланади», «В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги» деган мавзуларда лекция, суҳбатлар ва савол-жавоб кечалари ўтказилмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикаининг энергетика системасида узоқ йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрининг ўринбосари Ўртоқ Мирсолих Саидович Саидовни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ЗАРҲАЛ САҲИФА

ОЙБЕК ТУҒИЛГАН КУНГА 75 ЙИЛ ТЎЛДИ

«Талант қанчалик катта, қанчалик қудратли бўлмасин, ҳар нечук юзада бўлмайди, конга ўхшаш ернинг қаърида бўлади. Бу кон — талантни қазиб олиш учун аввало катта ақл, ундан кейин катта билим, матонат, куч-ғайрат бўлиши керак.

Катта талант эгаси Ойбекда мана шу хислатларнинг ҳаммаси мавжуд. Ойбек мана шу хислатлари билан халқимизнинг маънавий хазинасига катта бойлик қўшди».

Абдулла Қаҳҳор бундан ўн беш йил муқаддам — Ойбек таваллудининг олтмиш йиллиги муносабати билан шундай ёзган эди.

Чиндан ҳам, Ойбек катта ақл ва билимга, матонат ва куч-ғайратга эга ажойиб инсон, халқ дарди билан яшаган, халқ орзу-умидларини ифодалаган ажойиб ижодкор эди. Худди шу сифатлар унга табиат инъом этган улкан истеъдоднинг барқ уриб янада гуллаб яшнаши учун имконият яратди.

Ойбек адабиёт оламига кириб келганида, Октябрь қуёшининг сахий нурлари остида янги ҳаёт майсалари униб чиққан, адабиёт майдонида Ҳамза ва Сўфизода, С. Айний ва А. Қодирий каби ўзбек совет адибларининг биринчи авлоди жавлон ураётган эди. Худди шу авлод туфайли ёш ўзбек пролетар адабиётининг суяги қотиб келаётган, янги ҳаёт, янги қаҳрамон, янги инқилобий ғоялар бадиий асарларимиз саҳифаларида жилва бераётган эди. Ойбек ажойиб намояндаси бўлган ўзбек совет адибларининг иккинчи авлоди эса, ўз салафари қўлидан инқилобий адабиёт байроғини олиб, ўни янги юксакликка кўтариб чиқди; Шарқ классик адабиёти ва фольклорининг энг яхши анъаналарини рус ва жаҳон бадиий маданиятининг тажрибалари билан бойитиб, адабиётимиз тараққиётининг янги уфқларини белгилаб берди.

Ойбек ўз сафдошлари билан биргаликда янги давр тақозоси билан адабиётимизда пайдо бўлаётган сифатлар учун курашди. Бу, энг аввало, адабиётнинг халқ ва мамлакат ҳаёти билан алоқасини кучайтиришда кўринди. 20-йилларнинг бошларида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилган икки дунё, икки замон, икки кучнинг курашини кўриб, «Курашди икки тўлқин, қараб турайми?.. Йўқ! Болгалар, ўроқ сафи ила бораман!», деб ҳайқирган шоир бутун умри бўйи «болгалар ва ўроқлар» сафида бўлди. Колхоз далалари ва завод устахоналарига бориб, бўлажак қаҳрамонлари билан яқиндан танишди. Катта Фарғона каналидек улкан халқ қурилишининг тепасида бўлиб, «Шодиёна» номли коллектив қасидани ёзишда иштирок этди. Ватан уруши фронтларида қон кечаётган ўзбек жангчилари билан озод этилган шаҳарларга кириб, урушнинг аччиқ дудини ютди (Бу ҳол кейинчалик унинг «Қўёш қораймас» романини ёзишида, айниқса, асқотди). «Олтин водийдан шабадалар» романини ёзиш иштиёқида урушдан кейинги колхоз далаларига бориб, ҳориган, аммо меҳнатдан, кураш дан толмаган қишлоқ аҳлининг ҳаётини кузатди.

Ойбек ўз ижодий лабораторияси тўғрисида сўзлаб, «юракка йиққан, юракда сақланган материалларни»гина қаламга олишини айтганида, ҳаётни синчиклаб ўрганишини, воқеликни қалб призмаси оша ўтказишини кўзда тутган эди.

Ҳаёт билан алоқа Ойбек наздида фақатгина замонавий мавзуларда ижод этиш эмас. Ойбек инқилобга қадар бўлган ўтмиш ҳаётидан олинган «Уч» ҳамда «Бахтигул ва Согиндиқ» достонларини, «Қутлуғ қон» ва «Алишер Навоий» романларни, шунингдек, «Маҳмуд Торобий» операси либреттосини ёзганида ҳам, ёҳуд қардош Шарқ халқлари ҳақида нақл қилувчи «Нур қидириб» повестини, «Зафар ва Заҳро», «Даврим жароҳати» каби достонларини ижод этганида ҳам ўз халқи, ўз мамлакати ва ўз даври ҳаётидан узилиб қолмади. Аксинча, у инқилобдан кейинги воқеликнинг моҳиятини тўлароқ ҳис этиш ва очиш учун ҳам тарихий мавзуга ва ҳорижий халқлар ҳаётига мурожаат этди. У ўзбек халқини улуғ йўлга олиб чиққан ҳамда мазлум Шарққа озодлик ва бахт йўлини кўрсатаётган Октябрни, Ленинни, Коммунистик партияни тинимсиз куйлаб келди.

«Адабиёт халқнинг онгидир. Кўзгуда акс этгани янглиг, унда ҳам халқнинг руҳи ва ҳаёти акс этади. Фактдан аён бўлгани сингари, унда ҳам халқнинг мақсад ва вазифаси, башариятнинг буюк онласида эгаллаган ўрни, башарий руҳининг оламшумул-тарихий ривожланиш лаҳзаси зуҳур бўлади», деган эди улуғ рус танқидчиси В. Г. Белинский. Ойбекнинг ўзбек халқи ҳаётидаги ва тарихий тақдиридаги энг муҳим даврларни бадиий мужассамлантирувчи асарлари ҳам бу фикрнинг одиллигини тасдиқлайди. Чиндан ҳам, Ойбекнинг тарихий ва замонавий мавзулардаги роман ва достонларида ўзбек халқининг «башариятнинг буюк онласида эгаллаган ўрни», Октябрь инқилоби туфайли унинг ҳаёти ва руҳида рўй берган «оламшумул-тарихий ривожланиш лаҳзаси» акс этади ҳамда шу нарса Ойбекни улкан сўз санъаткори даражасига кўтаради.

Ёзувчи достонларидаги Жўра, Дилбар, Ҳамза образлари мисолида, «Қутлуғ қон»даги Йўлчи, «Улуғ йўл»даги Умарали, «Қўёш қораймас»даги Бектемир, «Олтин водийдан шабадалар»даги Уктам мисолида ўз ифодасини топган ижобий қаҳрамон халқимизнинг Октябрдан кейинги сиёсий-иктимоий ва маданий жиҳатдан ўсиш-ўзгариш йўлларини акс эттиради. Умуман, Ойбек ижодида ўзбек халқи тарихий тараққиётининг миллий ва маданий уйғониш («Маҳмуд Торобий» ва «Алишер Навоий»да), 1916 йилги халқ озодлик ҳаракати («Қутлуғ қон»да), Октябрь инқилоби («Улуғ йўл»да) Улуғ Ватан уруши («Қўёш қораймас» ва «Шон йўли»да) каби энг муҳим босқичлари ва бурилиш нуқталари акс эттирилади. Ўтмиш ва ҳозирги даврнинг бундай муҳим, мураккаб ва долзарб масалаларини кўтариб чиқишга ҳар қандай санъаткор ҳам муяссар бўлавермайди. Бунинг учун санъаткор, Ойбек ибораси билан айтганда, «зўр ҳаяжон, ўткир фикр, фаҳм, ажойиб илҳом»гагина эга бўлмасдан, «яна ва яна кўп хислатлар» соҳиби ҳам бўлиши керак.

Ойбек ана шундай хислатлардан бўлмиш теран, бой ва ҳар томонлама билимга, ўткир кўз ва ҳассос дидга ҳам эга эди. Ўзи Ватанимиз тарихини, халқимиз тарихи ва адабиётини ёдлаб эгаллаган, ўзи ижтимоий фанлар бўйича улкан мутахассис ва билимдон олим бўлган Ойбек адабиётимизнинг ёш авлодига ижод машаққатлари ва талаблари ҳақида сўзлаб, бежиз ёзмаган эди: «Ижод — ниҳоятда мушкул нарса. Сиз ўжар майлингизга берилиб, йиллаб, лозим бўлса бутун умрингиз бўйи муҳаббат ва ғайрат билан ҳаётни синчиклаб ўрганиб боришингиз керак. Тилимизнинг барча нозикликларини, рангларини, унинг кўп қиррали чуқур маъноларини яхши ўрганинг. Қишлоқларда, тоғларда юриб, ҳаётни мукаммал кузатинг, ижтимоий фанларни мутолаа қилишга киришинг».

Унинг ўзи ҳаётни, замондошларини, ўзбек халқи тарихини бутун умри бўйи ана шундай кузатиш, ўрганиш орқасида буюк инсоний ҳақиқатга суянган, орзу ва ҳис-туйғулари мураккаб, интилишлари эса улуғвор бўлган чин инсонларни асарларига саҳифаларига олиб кирди, ана шундай чин инсонлардан ташкил топган халқни — тарих ижодкорини ажойиб бир илҳом билан тасвирлади.

Инсоният учун ҳамиша муқаддас бўлиб келган тушунчалар бор. «Бахт», «гўзаллик», «садоқат», «меҳнат» каби бундай тушунчалар айни пайтда ҳамиша турли маъноларни билдириб келган. Ҳар бир давр ва халқ бу тушунчалар мазмунини турлича чақиб келганлар. Бахт нима? Гўзаллик нимада?.. — Ҳар бир давр адабиёти бу саволларга ўзича жавоб бериб келди. Совет адабиёти ва унинг жўшқин ирмоқларидан бири — ўзбек совет адабиёти бу саволларга беражак жавобини Октябрь билан, Ленин номи билан боғлайди. Ойбек ҳам бу саволга жавоб бериб, Йўлчи ва Гулнорлар тўккан қонининг муқаддаслиги, Уктам ва Комилалар меҳнатининг гўзаллиги. Торобий ва Навоий интилишларининг улуғ давримиз билан ҳамоҳанглиги ҳақида нақл юритади. Адиб ҳаёлининг меваси бўлмиш бу қаҳрамонлар, бу асарлар совет даврини, ўзбек халқи эришган бахт-саодатни шарафлайди.

Истеъдод соҳиблари даврнинг бойлиги, даврнинг зийнати ва кўрки бўлган кишилар тўғрисида нақл қиладилар. Ойбек ҳам истисно эмас. Адиб қаламига мансуб бўлган асарлар шу маънода халқимиз тарихининг, шунингдек, ҳозирги даврнинг ғоявий бойлиги ва руҳий гўзаллигини намойиш этади.

Истеъдод одатда серқирра бўлади. Унинг қирралари бир-бирини тўлдиради ва бойитади. Назмда ҳам, насрда ҳам замонамизнинг бирламчи масалаларини кўтарган, кечмишнинг бугунги курашимиз ва ишимизга ўткирлик бериши мумкин бўлган зарҳал саҳифаларини варақлаган Ойбек олим, мутаржим ва мунаққид сифатида ҳам ўзининг олмос қиррали истеъдодини зўр саҳоват билан Ватан ва халқ манфаати йўлида сарфлаб келди.

Бутун ҳаётини ижодга, халқига бағишлаган адиб бизга улкан хазинани мерос қилиб қолдирди. Бу хазинада бешта роман, бешта қисса, ўн бешта достон, битта опера либреттоси, битта драма, 600 дан знёд шеър, ўнлаб ҳикоя ва очерклар, мақола ва таржима асарлар бор.

Ойбек қолдирган мерос халқимизнинг маънавий бойлиги, унинг олтин фондидир.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари кандидати.

МИРТЕМИР

УСТОЗ ҲАҚИДА

Ардоқли қаламкаш Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ҳақиқатан, чин маънода — теран маънодаги устоз ва устоз шоир эди. Шу билан бирга шартли эмас, зўраки ва отига аллома эмас, балки чинакам аллома эди. Унинг билим уфқи ҳайрон қолурлик даражада кенг ва теран эди. Мен у билан талай суҳбатларда бўлганман, кўп маслаҳатлар олганман. Ҳамон менинг кўз олдимда ғоят камсуқум, камгап ҳамма илмдан хабардор, тарихга етук, замонга замондош, келажакка ишончи комил, билагон, тиниб-тинчимас, ўта меҳнаткаш, ўта ўрток, ўта заки ва фозил, ўта инсонпарвар инсон... Ў ўзбек совет адабиётининг етакчи сиймоларидан бири эди, унинг меҳнати зўр, ўта зўр ва тарихга қолишга ҳақли меҳнатлардан.

Мен устоз Ойбекнинг Ҳамид Олимжон, Николай Семёнович Тихонов ва Александр Фадеевлар билан суҳбатида кўп бўлдим, ҳозир зикр этилган етакчи қаламкашлар унинг маҳорати, билими ва закосига қойил эдилар, ғамхўр эдилар, ҳурматлар эдилар.

Устоз Ойбек шеърий асарларининг таҳририни менга ишонганидан ҳануз-ҳануз фахрланаман. Шундоқ улуғ одам ўз асарларини менга ишонса-я!.. Мен у асарларни наҳотки таҳрир қилсам, йўқ, бехато чиқишига кафил эдим, холос.

Устоз ҳузурига ёш қаламкашлардан кимни олиб бормайин, адабиётга йўлланма олганидан жуда фахрланаман. Менинг бу сўзларим эсдаликлардан берироқ, илмдан нарироқ, лекин бўёқсиз, тўғри гаплар.

1975 йил.

Ўзбекистон ССР халқ шоири, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати марҳум Миртемирнинг ушбу мақоласи биринчи марта эълон қилинмоқда.

ЧОРВАДОРЛАР ЗАФАРИ

ФАРҒОНА. («Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали олинди). Областдаги қатор хўжаликлар чорвадорлари янги йилнинг дастлабки кунларини катта меҳнат зафарлари билан кутиб олдилар. Улар давлатга гўшт топшириш бўйича белгиланган йиллик планларини бажардилар. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда Тошлоқ районидагина эмас, балки Фарғона областида ҳам етакчилик қилиб келаётган «Оқолтин» колхози чорвадорлари давлат тайёрлов ташкилотларига планда белгиланган 100 тонна ўрнига 128 тонна (тирик вазнда) бўрдоқи гўшти етказиб бериб, йиллик марраданўзиб кетдилар. Гўштга топширилган ҳар бош қорамолнинг тирик вазни 580 килограммни ташкил этди.

— Чорвадорларимиз, — ҳикоя қилади колхоз раиси, Беруний номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Абдулҳамид Эгамбердиев, — ўтган хўжалик йилини пландаги 100 тонна ўрнига 180 тонна гўшт етиштириш билан якунлаган эдилар. Беш йилликнинг сўнгги йилида бу соҳадаги режаларимиз янада катта. Бу йил биз гўшт етиштиришни кескин кўпайтирамиз, давлатимизга ҳар қачонгидан кўп чорва маҳсулотлари етказиб берамиз. Раҳмонали Қиргизов, Қўчқорали Султонов, Олимжон Қозоқов, Исмоилжон Маҳмудов, Адҳамжон Сўфижонов каби бўрдоқибоқарларимиз ана шу мақсад йўлида фидокорлик кўрсатаётган чорвадорлардир.

Шунингдек, Қува районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Коммунизм» колхози чорвадорлари ҳам дастлабки меҳнат зафарини қўлга киритдилар. Колхоз бўрдоқибоқарлари 1 январнинг ўзидаёқ янги йилнинг биринчи квартали гўшт топшириш планини ado этдилар. Қабул пунктларига қарийб 30 тонна бўрдоқи гўшти топширилди. Бувайда районидаги хўжаликлараро бўрдоқичилик базаси коллективи ҳам янги йилнинг дастлабки кунларида давлатга 31 тонна семиз гўшт топшириб, катта муваффақиятни қўлга киритдилар.

О. ҲАКИМОВ.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АВТОНОМ РЕСПУБЛИКАСИ. Нукус районидаги «Нукус» совхози чорвадорлари ўтган йилни юқори кўрсаткичлар билан якунлашди. Қизларгул Дўсимбетова, Зебогул Нуримбетова каби моҳир сут согувчилар ўз боқимларидаги ҳар бир сигирдан пландаги 3000 килограмм ўрнига 3500 килограммдан сут согиб олишга муваффақ бўлишди. Хўжаликда чорва маҳсулотлари топшириш қизғин давом этмоқда. Илғор коллектив ўнинчи беш йиллиги охирги йилида ҳар қачонгидан ҳам юқори кўрсаткичларга эришишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган. Суратда: «Нукус» совхозининг илғор сут согувчиларидан Қ. Дўсимбетова билан З. Нуримбетовалар.

Р. Саидов фотоси.

ПЛАНЕТАМИЗДА

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ЖАСОРАТИ

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» китоби аввало меҳнат аҳлининг мардлиги ва қаҳрамонлиги, улуғ коммунизм мақсадлари йўлидаги фидокорона ишлари тўғрисидаги мароқли, ёрқин, ҳаяжонли китобдир, деб ёзади ГБСП Марказий Комитетининг назарий органи «Айнхайт» журнали.

Журнал КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг яқинда Берлиндаги «Лиц-Ферлаг» нашриётида немис тилида чиқарилган китобига бағишланган мақоласида ўртоқ Л. И. Брежневнинг эсдаликлари Ленин партиясининг тажрибасини, унинг меҳнаткашларни сафарбар этиб, тарихий вазифаларни ҳал этишга отлантириш қобилиятини кенг миқёсда умумлаштирганлигини таъкидлайди. Китоб муаллифи Қозоғистоннинг бепоёён қўриқ ерларини ўзлаштириш мисолида социалистик ва коммунистик қурилишнинг туб проблемалари тўғрисида, КПССнинг донолиги ҳамда асосий иш соҳаларини белгилаш, стратегик ва тактик масалаларни ҳал этиш қобилияти тўғрисида яққол тасаввур беради, дейилади мақолада.

Асримизнинг воқеаларга бой тарихий даври Леонид Ильич Брежневнинг номи билан боғланган, деб таъкидлайди журнал. Бу ном ер юзидаги миллион-миллион кишиларга тинчлик учун, кескинликни юмшатиш учун, демократик ҳамда антиимпериалистик кучларга қўшилиб, социал адолатга интилиш рамзи бўлиб янграмоқда. «Қўриқ» китоби совет халқининг тарихий зафарларида Л. И. Брежнев жуда катта роль ўйнаб, бу зафарларга шахсан ҳисса қўшганини кўрсатиб турибди. Хотира саҳифаларида биз унинг одамларга муносабатини, кадрлар тўғрисидаги меҳрибон ғамхўрлигини, уларга нисбатан сезгирлиги, ишончи ва талабчанлигини кўрамиз.

Тасвирлаган воқеаларнинг бевосита қатнашчиси бўлган атоқли партия ва давлат раҳбари, коммунистнинг китоби совет китобхонлари учунгина муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмай, у барча коммунистларни, меҳнаткашларни ҳозирги ва келажак иш учун керакли билимлар ва тажриба билан қуроллантиради, турмушнинг ўзи ўртага қўйган саволларга жавоблар беради, деб ёзади «Айнхайт» журнали.

(ТАСС).

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

● КОНЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

ГАВАНА. Куба никель саноатининг байроқдори — Рене Рамос Латур номли кон-саралаш комбинатининг меҳнаткашлари катта муваффақиятга эришдилар. Улар тармоқ корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада бешинчи марта сурункасига ғалаба қозонмоқдалар. Комбинат ходимлари йиллик топшириқни ошиғи билан бажариб, беш йиллиқнинг тўртинчи йилини муваффақиятли якунлядилар.

Никель саноати Куба экономикасининг тез ривожланаётган тармоғидир. Совет Иттифоқи ҳамда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатлар кон-саралаш корхоналарини янгилашда ва уларнинг қувватини кўпайтиришда республикага катта ёрдам бермоқдалар.

● ТАЪЛИМ МАРКАЗИНИНГ ЮБИЛЕЙИ

БУДАПЕШТ. Будапештдаги ҳисоблаш техникаси ўқув маркази ўз юбилейини нишонлади. Ўтган ўн йил мобайнида электрон ҳисоблаш машиналарида ишлаш учун юксак малакали кадрлар тайёрлашда ўқув марказининг аҳамияти анча ошди. Ўқув марказини битириб чиққан 65 мингдан ортиқ мутахассис Венгрия халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишламоқдалар. Электрон ҳисоблаш машинаси ҳаётга чуқур сингиб кетди. 1970 йилда мамлакатда ўнтагина ҳар хил ЭҲМлар бор эди. Шу беш йиллик охирида уларнинг сони 700 тага етади.

● СОВЕТ БУЮРТМАСИГА МУВОФИҚ

ПРАГА. Чехословакиянинг Градец Кралове шаҳридаги музика асбоблари заводи Совет Иттифоқининг буюртмасига мувофиқ ўтган йили бутун дунёда машҳур «Петрофф» маркали 8,5 мингта пианино ва 160 та концерт роялари ишлаб чиқарди. Корхона коллективи 1980 йилда ҳам СССРга шунча миқдорда пианино ва рояль юборади.

Ўз навбатида Чехословакия ҳам Совет Иттифоқидан кўп миқдорда музика асбоблари сотиб олмоқда. Масалан, у 1979 йилда СССРдан қарийб ўн мингта гитара, жуда кўп миқдорда арфа, шунингдек гармон, балалайка ва мамлакатнинг ҳаваскор музика коллективларига тобора манзур бўлаётган бошқа рус халқ чолғу асбобларини сотиб олмоқда.

● ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

УЛАН-БАТОР. Халқ Монголиясида В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш ҳаракати қизғин кетмоқда. Шу кунларда Монголия пойтахти корхоналарида ўтказилаётган митинг ва йиғилишларда меҳнат коллективларининг вакиллари юбилей шарафига ошириладиган мажбуриятларни қабул қилмоқдалар.

Масалан, чарм ишлаб чиқарувчи корхоналар бирлашмасига қарашли пойафзал фабрикасининг ходимлари В. И. Ленин туғилган кунга беш йиллик планни бажариш мажбуриятини қабул қилдилар. Ишлаб ишчилар МХР олтинчи беш йиллигининг зарбдори номи учун курашмоқдалар. Пойтахтдаги бинокорлик трести коллективи 15 апрелгача, шонли сана арафасида тўрт йиллик план топшириқларини бажариш мажбуриятини олди.

(ТАСС).

СССРНИНГ ҲАРАКАТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

СОФИЯ. Совет Иттифоқининг Афғонистонга берган ёрдами муносабати билан капиталистик давлатларнинг муайян доиралари авж олдираётган Советларга қарши васваса — жаҳон империализминнг халқаро кескинликни юмшатишга, қуроллариш пойгасини чеклашга ва халқлар ўртасидаги ҳамкорликка қарши қаратилган ялпи стратегиясининг бир қисмидир. Бу эса барча тинчликсевар кучларнинг реакция кирдикорларига бир ёқадан бош чиқариб зарба бериши зарурлигини янада равшан кўрсатади, деб ёзади «Работническо дело» газетаси.

БУЭНОС-АЙРЕС. Уругвай Коммунистик партияси Афғонистон Халқ демократик партиясининг, Афғонистон Демократик Республикаси ҳукумати ва халқининг Афғонистон революциясини мустаҳкамлаш ҳамда чуқур ижтимоий, иқтисодий ва демократик ўзгартишлар ўтказиш йўлидаги кураши билан бирдамлик изҳор этади, дейилади Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Арисменди нинг АХДП Марказий Комитети Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Ранси ва Бош министри Бабрак Кармалга йўллаган табрикномасида. Уругвай Компартияси афғон халқига қарши бўлган Америка империализмининг ва бошқа кучларнинг игвогарликларини ҳамда Афғонистон ички ишларига аралашувини қоралайди. Биз империализм бошлаган ҳозирги туҳмат кампаниясига лаънат ўқийміз. Биз Совет Иттифоқининг Апрель революцияси ғалабаларини ва Афғонистон мустақиллигини ҳимоя қилиш йўлидаги қардошлик ёрдамини қўллаб-қувватлашимизни билдирамиз ва ўз суверенитетини ҳимоя қилиш учун курашаётган афғон халқига мадад бераётган барча дўстларимизнинг ишончини оқлаймиз, деб ёзади газета. Гап Совет — Америка муносабатларининг истиқболи тўғрисидагина эмас, шу билан бирга умуман кескинликни юмшатишнинг истиқболи тўғрисида бормоқда. Ж. Картер белгилаган тадбирларга ёвуз ниятли ва хатарли тадбирлар деб баҳо беришдан бошқа илож йўқ. Бу тадбирлар Америка қизғинларининг кескинликни юмшатиш жараёнини орқага бурилтиришини дунёни «совуқ уруш» даврига қайтаришга уринишини билдиради.

Америка радиостанциялари ТАССнинг баёнотини муҳим, биринчи навбатдаги янгилик деб эшитдирдилар. **Си-Би-Эс** таъкидлаб ўтганидек, АҚШ СССРга таъсир қилиш ва унинг сиёсатини қандай йўл билан бўлса ҳам ўзгартиришни истаса бу бетер жуда катта масъулиятни ўз зиммасига оляпти, деб давом этади газета. Гап Совет — Америка муносабатларининг истиқболи тўғрисидагина эмас, шу билан бирга умуман кескинликни юмшатишнинг истиқболи тўғрисида бормоқда. Ж. Картер белгилаган тадбирларга ёвуз ниятли ва хатарли тадбирлар деб баҳо беришдан бошқа илож йўқ. Бу тадбирлар Америка қизғинларининг кескинликни юмшатиш жараёнини орқага бурилтиришини дунёнинг «совуқ уруш» даврига қайтаришга уринишини билдиради.

Америка радиостанциялари ТАССнинг баёнотини муҳим, биринчи навбатдаги янгилик деб эшитдирдилар. **Си-Би-Эс** таъкидлаб ўтганидек, АҚШ СССРга таъсир қилиш ва унинг сиёсатини қандай йўл билан бўлса ҳам ўзгартиришни истаса бу бетер жуда катта масъулиятни ўз зиммасига оляпти, деб давом этади газета. Гап Совет — Америка муносабатларининг истиқболи тўғрисидагина эмас, шу билан бирга умуман кескинликни юмшатишнинг истиқболи тўғрисида бормоқда. Ж. Картер белгилаган тадбирларга ёвуз ниятли ва хатарли тадбирлар деб баҳо беришдан бошқа илож йўқ. Бу тадбирлар Америка қизғинларининг кескинликни юмшатиш жараёнини орқага бурилтиришини дунёнинг «совуқ уруш» даврига қайтаришга уринишини билдиради.

КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ МУХОЛИФЛАРИГА БЕРИЛГАН МУНОСИБ ЖАВОБ

АҚШ президенти Ж. Картернинг Америка телевидёнеси орқали сўзлаган нутқи муносабати билан ТАСС берган баёнот халқаро миқёсда кенг маъқулланиб кутиб олинди. Жаҳон жамоатчилиги чет эл матбуотининг сонсаноқсиз органлари баёнотни энг муҳим аҳамиятга молик масала юзасидан жуда муҳим ва ўз вақтида эълон қилинган ҳужжат, деб таърифламоқдалар.

Чехословакиянинг «Руде право» газетаси ўзининг «Тинчлик ғалаба қозонади» сарлавҳали бош мақоласида ТАСС баёнотини шарҳлаб, жумладан қуйидагиларни ёзади: президент Ж. Картер белгилаган тадбирлар АҚШнинг Совет Иттифоқига нисбатан олган мажбуриятлари қўпол равишда бузилганлигини, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда Америка ҳукумати ўзи эътироф этган тинч ҳамкорлик принципларини поймол қилинганлигини билдиради. Бу тадбирлар АҚШнинг Совет Иттифоқи ва унинг иттифоқчиларига тазйиқ қилишга уринаётганлигидан, Вашингтоннинг социалистик мамлакатларга нисбатан «зўравонлик позицияси» сиёсатини тиклашга интилаётганлигидан далолат бермоқда. Аммо бундай йўл барбод бўлишга маҳкумдир. Ж. Картер ва маҳсулотларни топшириш қизғин давом этмоқда. Илғор коллектив ўнинчи беш йиллиқнинг охирги йилида ҳар қачонгидан ҳам юқори кўрсаткичларга эришишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган. Суратда: «Нукус» совхозининг илғор сут согувчиларидан Қ. Дўсимбетова билан З. Нуримбетовалар.

Р. Саидов фотоси.

МУСТАҲКАМ ҒАЛАБА

Ҳиндистонда парламентнинг халқ палатасига муддатидан илгари бўлиб ўтган сайловда мамлакатнинг таниқли сиёсий арбоби Индира Ганди бошчилигидаги Ҳиндистон Миллий конгресс партияси мустаҳкам ғалаба қозонди. Овоз бериш натижалари тўғрисидаги узилкесил маълумотлар сайлов округларининг фақат 80 процентидан олинган бўлишига қарамай, бу партия депутатлик ўринларининг мутлақ кўпчилигига эга бўлди.

Ҳиндистон Миллий конгресс партияси ўзининг сайловолди манифестида ташқи сиёсат соҳасида партия барча мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантириш йўлига амал қилади, қўшилмаслик ҳаракатини мустаҳкамлайди ва империализмга, мустамлакачилик ҳамда реакцияга қарши курашади, деб таъкидланади.

Индира Ганди Ҳиндистон ҳукуматига 1966 йилдан бошлаб 1977 йилгача 11 йил давомида бошчилик қилиб келди.

Парламентга, шунингдек Лок дал партияси раҳбари Чаран Сингх ва Жаната партия раиси Ж. Рам сайланди.

(ТАСС).

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Хавфсизлик Кенгаши Қўшма Штатлар, уни қўллаб-қувватловчи бир қанча мамлакатлар ва Хитой томонидан Афғонистон ҳукуматининг иродасига хилоф равишда муҳокама қилдирган «афғон масаласи» деб аталган масалани муҳокама қилиб бўлди. Вашингтон Афғонистон билан Совет Иттифоқига қарши душманлик кампаниясини авж олдириб, ўзининг ҳунук режаларига халқаро ҳамжамиятни жалб этиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилди. Бўлиб ўтган муноза-ранинг кўпгина қатнашчилари ўз нутқларида шу уринишларга зарба бердилар.

Лаос Халқ Демократик Республикасининг вакили Б. Сутхичак энг катта империалист давлат бошлаган туҳмат кампанияси унинг босқинчилик ва гегемончиликка қаратилган машъум режаларини ниқоблаш мақсадини кўзлашини айтди.

Ғарб мамлакатлари билан Хитой, — деди Монголиянинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Б. Дашцэрэн, — Апрель революциясига ҳар қандай йўл билан путур етказишга интилиб, афғон аксилинқилобчиларини пул билан таъминладилар, Покистон территориясида яшириниб олган газандаларга қурол-яроғ етказиб бердилар.

Совет Иттифоқининг Афғонистонга берган ёрдами тўғрисидаги бемаъни гаплар аслида афғон халқини ўз хавфсизлигини таъминлаш йўли ва воситаларини белгилаш ҳуқуқидан маҳрум этишга қаратилган, деди СССРнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили О. А. Трояновский.

Совет вакили Хитой гегемончилари Афғонистон тевирагидаги вазиятни кучайтиришда актив роль ўйнаётганликларини, кескинликни юмшатиш муҳити уларнинг дидига ёқмаётганини ва улар сиёсий экспансиячиликка ихлосманд эканликларини неча марталаб намойиш қилганликларини таъкидлади.

Империалистлар билан гегемончилар яна Афғонистонни нишонга олмоқдалар, деди ВСРнинг БМТдаги доимий вакили Ха Ван Лау. Империализм ва халқаро реакция ўзининг сиёсий мақсадларига эришиш учун мустақил давлатларни иқтисодий йўл билан бўғиб ташлаш, аксилинқилобчи газандалардан қуроллаш шайкалар тузиб, мустақил мамлакатларга қарши игвогарликлар қилиш ва уларга бостириб кириш сингари усулларни ишга солмоқдалар.

Мажлис охирида Афғонистон ташқи ишлар министри Шоҳмуҳаммад Дўст сўзга чиқиб, Хавфсизлик Кенгашида «афғон масаласи»нинг муҳокама қилиниши «совуқ уруш»ни қайтадан бошлашдан бошқа мақсадларга хизмат қилиши мумкин эмаслигини таъкидлади. АДР вакили Совет Иттифоқининг Афғонистон революциясига берган қардошлик ёрдами характерига доғ туширишга йўлидаги уринишларга фош қилиб, бу ёрдам Афғонистон халқининг манфаатларига ва орзу-умидларига мос бўлиб тушганлигини, чунки унинг мустақиллиги, миллий суверенитети ва территориал бутунлиги ҳалокатли хавф остида қолганини уқтириб ўтди.

Министр таклиф этилган резолюция лойиҳасини қатъиян рад этди ва уни ўз мамлакатининг ички ишларига ошкора аралашув, деб баҳолади. Хавфсизлик Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар — СССР ва ГДР вакиллари ҳам бу лойиҳага қарши чиқдилар. У Афғонистондаги мавжуд тузумни ўзгартиришга даъват қилинишини билдиради, деб айтдилар. Резолюция лойиҳаси қабул этилмади, чунки Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлмиш Совет Иттифоқи унга қарши овоз берди.

АХБОРОТ

МОСКВАДАН ХАТ

МИЛЛИЙ ТАОМЛАР МАГАЗИНИ

Ватанимиз пойтахти Москва 1980 йилда бўладиган Олимпиада қатнашчилари ва меҳмонларини кутиб олиш учун қизғин тайёрланмоқда.

Яқинда Горький кўчасидаги 23-уйда жойлашган кулинария магазини москваликлар ҳамда шаҳар меҳмонларига хизмат қила бошлади. Бу ерда беш хил миллий таом: рус, ўзбек, белорус, грузин ва венгер таомларига буюртма бериш мумкин. Хўранданинг хоҳишига кўра миллий таомлар уйларга ҳам элтиб берилади.

А. ЗЛОТИН.

КОНВЕРТЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

СССР Алоқа министрлигида Ўзбекистон қадимий ёдгорликларини акс эттирган бадиий маркали конвертлар сериясини тўлдириш ниҳоясига етказилди. Конвертлар устидаги маркалар расмларини А. Жаров, И. Филиппов, Г. Боев, В. Коновалов каби таниқли рассомлар ишлашган.

Бу конвертлар Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги тарихий ёдгорликлар, шунингдек, Тошкент метросининг «В. И. Ленин майдони» ва «Пахтакор» станциялари ҳақида ҳикоя қилади.

Л. ЖАРОВ.

КЎЧАТ ЭКИНГ, БОҒ ҚИЛИНГ

Жиззах область Дўстлик районидаги кўчатчилик-мевачилик совхози областнинг ёш ихтисослаштирилган хўжаликларидан бири. Хўжалик Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё ва Наманган областларининг кўплаб янги ташкил этилаётган боғдорчилик совхозларига ниҳоллар етказиб бера бошлади. Совхоз меҳнаткашлари ўтган йили пландаги 3 миллион туп ўрнига 4 миллион туп кўчат реализация қилди. Суратларда: (ўнгдан) хўжалик директори Шаҳобиддин Иброҳимов, агрономлар—Раҳим Алимшов, Икром Тўраевлар кўчатлар сифатини кўздан кечирмоқда. 2. Кўчатлар жўнатилаётган пайт.

Ш. Ўрозалиев ва Қ. Жўрақулов фотолари.

ШАҲАР МАВЗУСИДА

ТАНҚИД БУРЧАГИ

ҚАЧОНГАЧА...

Октябрь массиви Тошкентда ер қимирлагандан кейин бунёдга келди. Йиллар ўтган сайин массив чиройига чирой қўшилмоқда. Йўллар кенгайтирилиб, асфальт қилинди. Маиший хизмат комбинатлари, магазинлар, мактаблар бунёд этилаётир. Транспорт хизмати ҳам тобора яхшиланиб бораяпти.

Массивда яшовчилар учун шундай қулайликлар яратилаётган бир пайтда аҳолига маиший хизматнинг энг оддий тури — ахлатларни вақтида ташиб кетиш масаласи ҳамон муаммолигича қолмоқда. Айниқса, массивнинг Лочин, Хондамир, Шифокор кўчаларида яшовчилар бу борада тегишли жойларга мурожаат қилавериб чарчашди.

Кўча теккаларида қаторқатор челак, тоғораларда ахлатлар уйилиб ётибди. Бу ерларга ахлат ташувчи машиналар 10—15 кунда бир «мўралаб» ўтади. Шунда ҳам хизматга кетган оилалар эшиги олдидаги ахлатлар қолиб кетаверади. Ахлат ташувчи машиналар одамлар ишга кетгунга қадар келиши, унгача келолмаса ахлат ташувчиларнинг ўзлари ахлатларни машиналарга ташлашлари лозим. Очиги, бу ҳол массив ҳуснига доғ бўлиб тушмоқда, кўчаларнинг санитария-гигиена ҳолатини бузмоқда. Октябрь массиви янги ташкил этилган Акмал Икромов районига қўшилганда одамлар енгил нафас олишганди. Ахлатларни ташиш йўлга қўйилади, деб умид қилишганди. Афсуски, аҳвол мутлақо ўзгармади. Энди одамлар Акмал Икромов районининг «Автодормехбаза»сига шикоят қилиб қатнамоқдалар. Бу ҳол қачонгача давом этаркин?!

Д. МАҲМУДОВА.

Фан—ишлаб чиқаришга

ЧИҚИНДИ ЧИҚИТГА ЧИҚМАЙДИ

Партия ва ҳукуматимиз табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишни янада яхшилаш ҳақида муттасил ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Кейинги пайтда корхоналар ва ташкилотларнинг социалистик мусобақаси якунлари чиқарилаётганда уларнинг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги план ва тадбирларни нечоғлик бажарганликлари, табиий ресурслардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини тозалаш ва қайта ишлаш нормалари ва қоидаларига қай даражада амал қилаётганликлари ҳам эътиборга олинаётганлигини ана шундай ғамхўрликка амалий жавоб деб баҳоламоқ керак.

Республикамизнинг ўнлаб саноат корхоналари тажрибасидан шу нарса маълумки, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан комплекс равишда фойдаланиш аввало атроф муҳитнинг табиий тозалигини сақлайди, қолаверса, чиқиндиларни ташишга кетадиган сарф-харажатларни камайтиради. Ёғ-мой саноати чиқиндиларидан асфальт эмулсияси сифатида фойдаланиш, чинни заводи гипс қолдиқларини биноларнинг юзасини пардозлашга ишлатиш фикримизнинг далилидир.

Яқинда . эллик йиллик юбилейи нишонланадиган Тошкент политехника институти юқори малакали инженер кадрлар тайёрлашдан ташқари йирик илмий ишлар маркази сифатида ҳам донг тараган. Хусусан коллоид химия кафедраси ходимлари юксак иқтисодий тежам берадиган мавзуларда иш олиб бориб, қатор муваффақиятларга эришдилар. Кафедранинг асосий илмий йўналиши сувда яхши эрийдиган полимерли полиэлектролит бирикмалар олиш, юқори молекуляр сирт актив моддаларни синтез қилиш ва уларни халқ хўжалигига жорий этишга қаратилган. Гидролиз йўли билан олинадиган «К» маркали сувда яхши эрийдиган препарат халқ хўжалигининг турли соҳаларида, жумладан, газ ва нефть қудуқларини қазишда, ифлос ва лойқа сувларни тозалашда, тупроқ структурасини ўзгартиришда қўлланилмоқда. Институт ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Карим Содиқович Аҳмедов бошчилигидаги олимлар республика Фанлар академиясининг Химия институти ҳамда Тошкент давлат университетининг коллоид химия кафедраси ижодкор ходимлари билан ҳамкорликда яратган бу препарат Абу Райҳон Беруний номидаги республика Давлат мукофотига сазовор бўлди. Унинг «К-4» сериясини олиш технологияси Чирчиқ химия комбинатида жорий этилган.

Кейинги йилларда бу препаратнинг «К-9», «К-1» сериялари «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида нитрон сунъий толалари чиқиндиларидан олинадиган бўлди. Авваллари бу чиқиндилар ахлатга ташлаб юборилар эди. Ўзбекистон ССР Геология министрлиги мутахассислари берилган технология асосида ўзлари қурилмалар ясаб, «К-9» реагенти чиқара бошлашди. Бу реагентнинг сифати ҳам, пармалашда ишлатиладиган гилмояга таъсири ҳам ёмон эмасди. Аммо дала шароитида жуда катта қийинчиликлар билан тайёрланган бу реагент заводда чиқариладигани билан баҳслаша олмас, бунинг устига эҳтиёжни қондириш даражасида кўп эмас эди. Ниҳоят, 1975 йилда «Навоиазот» бирлашмасида кончилар кўпдан бери кутган «К-9» препарати цехи ишга туширилди. Бу цех маҳсулоти кончиларга парма-лаш ишларининг сифатини, технологик савиясини кўтаришда қўл келди, иш жараёнларини тезлатишда эса катта самара бермоқда. Ҳозир министрлик бу препаратдан йилига бир ярим минг тоннагача олиш, бинобарин йилига 100 минг сўм тежаб қолиш имкониятига эга.

«К-9» реагентидан айни чоғда деҳқончиликда тупроқ эрозиясига қарши кураш бебаҳо омил сифатида фойдаланилмоқда. Республикамизнинг суғорма деҳқончилик қилинадиган экиизорларининг қарийб 600 минг гектари ҳар хил пасту баланд, рельефи нотекис майдонлардан иборат. Бундай ерлар суғорилганда эгатлардан оқаётган сувнинг миқдордан салгина ортиқроқ таралиши ҳам тупроқнинг устки унумдор қисмининг ювилиб кетишига сабаб бўлади. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, тупроқ таркибидаги озуқа элементлари ювилиб, ер эрозияга учрайди. Тажрибада аниқланишича, бундай ерларда ҳосилдорлик 10 процентдан 30 процентгача камайиб кетар экан. Шу зайл қишлоқ хўжалик ходимлари олдида ҳам тупроқ унумдорлигини ошириб, экинлар ҳосилдорлигини кўтариш, ҳам ювилиш жараёнини тўхтатиш, ёки ниҳоятда борича камайтириш вазифаси турарди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Агрохимия ва тупроқшунослик институти тупроқ эрозияси лабораториясининг ходимлари кўп йиллардан бери тажриба олиб бориб, тупроқ структурасини яхшилаш, унинг сув ўтказувчанлигини ошириш ҳисобига ювилишни тўхтатиш мақсадида жаҳондаги кўпгина мамлакатларда тайёрланган структура ҳосил қилувчи реагентларни синаб кўрдилар. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатдики, «К» сериядаги полимерлар хорижий ўлкалардан келтирилган моддалардан бир неча бор афзал экан.

Полимернинг сувдаги эритмаси пуркагичлар ёрдамида сепилганда тупроқнинг устки қисми структураси жуда тез, бир неча соатда рисоладагидек бўлади. Бунинг оқибатида сув сингиши яхшиланади, тупроқнинг ювилиши камаяди. Деҳқончиликда, айниқса, «К-9» ва «К-4» маркали полимерлар қўл келмоқда. Аввалари реагентлар сувда эритилиб ҳар гектар экин майдонига 300—500 килограммдан сепиларди. Бу усул яхши натижалар бергани билан полимернинг қиммат, сепиш ишларининг механизациялашмаган экаллиги янги вазифаларни келтириб чиқарди. Шу зайл уни қўлланишнинг янги усули яратилди. Бунда «К-9» полимери сувда эритилиб суғоришдан олдин эгатнинг фақат сув оқиб ўтувчи қисмигагина тасмасимон қилиб солинадигани бўлди. Полимер жуда оз миқдорда, гектарига ўттиз килограммдан ишлатилишига қарамасдан, экин майдонларида сувнинг шимилиши яхшиланди: эгатлардаги сувнинг тиниқлиги тупроқнинг ювилиб кетмасдан сувни яхши шимганлигини кўрсатди. Бундан ташқари сувнинг оқава бўлиб чиқиб кетиши камайди. Бошқача қилиб айтганда «К-9» реагенти сувдан тежаб фойдаланиш имконини берди. Оби ҳаётнинг яхши сингиши, тупроқ ва озуқа моддаларнинг ювилиб кетмаслиги тупроқ структурасининг яхшиланишига, пахта ҳосилдорлиги уч-тўрт центнер ортишига олиб келди. Лекин бу модданинг кам ишлаб чиқарилаётганлиги, эгатларга сувдан олдин солишнинг механизациялашмаганлиги ундан кенг фойдаланиш имкониятини бермаётир. Устига устак реагентнинг паста ҳолида бўлиши унинг ташилишини қийинлаштирмоқда. Назаримизда, бу модда порошок ҳолида ишлаб чиқарилиб, ундан чанглатиш йўли билан фойдаланилса, деҳқончилик учун янада қулай бўларди.

Хўш, бу препаратга талаб катта экан, уни керакли миқдорда ишлаб чиқаришнинг иложи борми?

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, «Навоиазот» бирлашмасида бир кеча-кундузда 50 тоннагача тола чиқиндилари чиқар экан. Бу чиқиндиларни бебаҳо препаратга айлантириш учун мавжуд «К-9» цехини кенгайтириш, имкони бўлса комбинат қошида яна битта шундай цех очиш лозим. Биргина республика Геология министрлигининг ўзига йилига икки тоннагача бундай препарат зарур. Агар қўшни Қозоғистон, Қирғизистон республикалари геология министрликлари ҳам унга талабгор эканлиги ҳисоба олинса, препаратнинг нечоғлик зарур эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Ўйлаймизки, бу масала барча эҳтиёжлар эътиборга олинган ҳолда ижобий ҳал этилади. Бинобарин олимларимизнинг ишлаб чиқаришга қилган бу ажойиб туҳфалари муносиб қадрланиши шубҳасиз.

М. УБАЙДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига қарашли илмий-техника ахборот ва техникавий-иқтисодий тадқиқотлар илмий-текшириш институти ходими.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА:

МАРОҚЛИ ВА МАЗМУНЛИ

Мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунлари мароқли ва мазмунли ўтмоқда. Спортга ихлос қўйган ўқувчилар шу кунларда қизғин беллашувларда куч синашмоқдалар. Республиканинг турли шаҳарларидаги спорт саройлари, майдончалари, стадионлари ва сузиш ҳовузлари болалар билан гавжум. Ўқувчилар спортнинг футбол, баскетбол, қўл тўпи, волейбол, теннис, сузиш ва шахмат-шашка турлари бўйича ўзаро баҳс юритмоқдалар. Агар Олмаликда бўлажак футболчилар майдонда тўп сураётган бўлсалар, Тошкентдаги «Старт» стадионининг спорт залида умидли волейболчилар Бутуниттифоқ зонал мусобақаларида иштирок этишмоқда. Мини-футбол мусобақаларида ўн бир команда иштирок этяпти. Кеча ёш футболчилар навбатдаги тўртинчи тур ўйинларини ўтказишди. Волейболчилар бақсида эса Москва, Арманистон, Тожикистон, Туркманистон ва Украина коллективлари ўзаро беллашмоқдалар.

Ҳозирча Украина терма командаси ютуқ очко билан олдинда бораяпти. Республикамиз волейболчи қизлари ҳам фахрли ўринларга даъвогарлик қилишмоқда. Мусобақа якунида муваффақият қозонган икки команда баҳоси таъти кунлари ўтказиладиган ҳал қилувчи бақсларга йўлланма олади. Кеча яна бир қизиқарли мусобақа бошланди. Енгил атлетикачилар Тошкентда «Ёшлик» спорт аренаси соврини учун анъанавий равишда ўтказиладиган қишки чемпионат бақсларида куч синашишга киришдилар. Мусобақада республикамизнинг барча областларидан келган ёш енгил атлетикачилар иштирок этмоқда.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТУПЛАР, ОЧКОЛАР

● **ЕНГИЛ АТЛЕТИКА.** АҚШ спринтерлари ёпиқ бинода 60 метр масофага югуришда олий жаҳон ютуқларини ўрнатдилар. Лонг-Бичдаги (Калифорния штати) мусобақаларда Хьюстон Мактир рекорд натижани икки марта ошириб, 6,38 секундга етказди.

Икки марта жаҳон кубогини олган Эвелин Эшфорд 60 метрлик масофани 7,04 секундда босиб ўтиб, ГДРлик Марлис Гер 1978 йил ўрнатган жаҳон рекордидан ўзиб кетди.

● **МЕРГАНЛИК.** Болгариялик спортчи Анка Пелова пневматик қуролдан отиш бўйича Болгария биринчилигида қатнашиб, Байба Зарина (СССР) ўрнатган жаҳон рекордини такрорлади. У пневматик милтиқда 10 метр масофадан отишда 391 очко олди.

● **КОНЬКИ.** СССР конькида югурувчилари Инцелда (ГФР) ўтказилган мусобақа — «Уч яхмалак» сафарининг биринчи босқичини муваффақиятли бошладилар. Ленинградлик Александр Корнилов (79,440 очко) билан дзержинсклик Александр Демидов (79,815 очко) мусобақанинг биринчи кунидан сўнг олдинда боришмоқда. Хотин-қизлардан ГДРлик Криста Ротенбургер (85,990 очко) пешқадамлик қилмоқда. Киевлик Татьяна Тарасова билан смоленсклик Любовь Седчикова 86,935 ва 87,480 очко натижага эришиб, иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди.

● **ТРАМПЛИНДАН САКРАШ** Австриялик 19 ёшар спортчи Хуберт Нойпер Бишофсхофенда ниҳоясига етган анъанавий «тўрт трамплин» сафарида ғолиб чиқди. Мусобақанинг сўнгги босқичида фақат ўнинчи ўриннигина эгаллаган Нойпер барча трамплинлардан сакрашлари якуни бўйича (Оберстдорфда иккинчи, Гармиш ва Инструкда биринчи) энг яхши натижага эришиб, 940,1 очко тўплади.

Тошкентдаги тажриба пиллакашлик фабрикаси республикамиз хўжаликларидан ташқари Озарбайжон, Туриманистон, Тожикистон ва бошқа қардош республикалардан қабул қилиб олинган пиллани хиллайди ва ишлов беради. **СУРАТДА:** (чапдан ўнгга) сараловчи Муборак Габитова ва сифат назоратчиси Санталат Юнусмухамедова пилла сифатини текшириб кўрмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильм. 10.25 — Очиқ китоб. Бадиий фильм 2-серия. 11.30 — Халқ ижодиёти. Кўрсатув тугагач янгиликлар. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Қишлоқдаги оддий иш кунлари. 16.30 — Янги йил арча байрами. Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 17.25 — Шахмат мактаби. 17.55 — Ленинград Давлат қўғирчоқ театрининг А. С. Пушкин эртаги мотивлари асосида яратган фильм-спектакли. 18.40 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Г. Карева куйлайди. 19.55 — Фан оламида. 20.25 — Очиқ китоб. Бадиий фильм 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Санъат усталари. СССР халқ артисти Н. Анисенков. Кўрсатув тугагач Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Бойчечак. 12.00 — Цивиль лақабли кучукчанинг саргузаштлари. Бадиий фильм 7- серия. 12.25 — Экватор кемасининг пассажири. Бадиий фильм. 13.45 — Болалар учун Янги йил спектакли. 14.55 — «Ўзбекистон» телевизион киножурналининг 22-сони. 18.20 — Мультфильм. 18.35 — Ёшлик. 19.05 — Космик вимпеллар социалистик мусобақа илғорларига. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Хонадонлар чарогон. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Музикали учрашувлар. 21.30 — Время. 22.05 — О. Екубов. Улуғбек хазинаси 4-қисм. 23.05 — Йўлда. Бадиий фильм.

II

18.40 — Бўри галаси. Бадиий фильм. 20.10 — Янгиликлар. 20.30 — Камер куйларидан концерт. 21.00 — Сиртдан ўқиётганлар учун. Химия.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 9.30 — Концерт. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Илғор фермаларда. 13.30 — Л. Кандалова ва П. Борисов куйлайди. 14.00 — Ҳамиша баҳор. Репортаж. 18.30 — Сайловдан-сайловгача. 18.40 — Ёшлик. 19.45 — Сато оҳанглари. 20.25 — Т. Муллажонов ижросида қўшиқлар. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Темир йўл. Радиоинсценировка. 21.30 — Концерт. 22.28 — Ўзбек Давлат филармонияси артистларининг концерти. 23.20 — Дам олиш концерти.

НАВОИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА
11, 12 январь соат 19.00 да

ЕШ ТАЛАНТЛАР КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

МАЛИКА АҲМЕДОВА, ДИЛАФРЎЗ ЖАББОРОВА

СОЛИСТЛАР: Турсунбой ҲУСАНОВ, Абдулла БОЗОРОВ, Жўрабек НАРЗУЛЛАЕВ, Пўлат МУСТАФОЕВ, Худойберди ТОИРОВ, Муҳаммаджон УЗОҚОВ, Муқаддас АЗИМОВА, Доно ШОРАҲМЕДОВА, М. УРОЗОВА, В. РАЖАБОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Ўзбекистон ССР халқ артисти Ж. НИЗОМХЎЖАЕВ олиб боради.

БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

6 ОЙЛИК ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ҲУЖЖАТЛАР — 15 январгача қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР — 15 январдан бошланади.

МАШҒУЛОТЛАР — олий ўқув юртларига киришда топшириладиган имтиҳонлар бўйича белгиланган ўқув плани асосида олиб борилади.

Курсларга кирувчилар институт ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), сўнгги иш жойидан справка, 3х4 см. катталикдаги 2 дона фотосурат.

Ўқиш учун 40 сўм почта орқали Тошкент шаҳри, Давлат банкининг Куйбишев бўлимидаги 14040 ҳисоб счётига ўтказилади.

Институт адреси: 700183, Тошкент шаҳри-183, Тошкент қишлоқ хўжалик институти.

●

168-ХОВОС ТЕМИР ЙЎЛ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

тепловоз машинисти ихтисослигига

ҚУШИМЧА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 2 йил.

ЎҚИШГА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР ВА СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДА ХИЗМАТ ҚИЛИБ ҚАЙТГАН КИШИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртида ўқувчиларга 72 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Билим юртини битирганлар темир йўлчиларнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар: Совет Иттифоқининг исталган ерига темир йўлда бепул билет билан юриш, ўтин-кўмир билан таъминланиш ва бошқа имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўқишга кириш учун қуйидагиларнинг бўлиши шарт: маълумоти ва туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалар; паспорт, яшаш жойидан справка, мактабдан ёки иш жойидан характеристика, 6 та фотосурат (3х4 см.).

Абитуриентлар медицина комиссиясидан билим юртининг ўзида ўтадилар.

Бизнинг адрес: Сирдарё область, Ховос станцияси, Комсомольская кўчаси, 20-уй.

Театр

НАВОИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 10/I да **Оққуш кўли** (12.00), **Маърифат қурбонлари** (19.00), 11/I да **Концерт** (ўзбек тилида, 19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/I да **Келинлар қўзғолони** (11.00), **Томоша давом этади** (15.00), 11/I да **Соқов рицарь** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/I да **Кулги кечаси.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Янги йил эртак цирк томошалари** (10.00, 13.00, 16.00, 19.30).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ **вакант вазифаларга**

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Рус тили бўлимига: катта илмий ходим (фан доктори ёки фан кандидати), кичик илмий ходим.

Адабий алоқалар ва таржима назарияси бўлимига: кичик илмий ходим (фан кандидати).

КОНКУРС МУДДАТИ — эълон чиқкан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар институт директори номига қуйидаги адрес бўйича юборилсин: 700041, Тошкент шаҳри, Иброҳим Мўминов кўчаси, 9-уй.

Урта Осиё темир йўлининг

ҚАРШИ БЎЛИНМАСИГА

тепловоз машинистлари ва машинист ёрдамчилари, тепловозлар ва вагонларни тузатувчи слесарлар; вагонларнинг назоратчилари, станция навбатчилари, алоқа электромеханиклари

КЕРАК

Ишчилар махсус кийим ва форма кийими билан таъминланадилар. Иккита бепул темир йўл билети, жумладан оила аъзоларига ҳам берилади. 1980 йилдан бошлаб кўп ишлаганларга ойлигининг 5 процентидан 15 процентигача қўшимча ҳақ тўланади.

Бошқа шаҳарликларга ётоқхона берилади. Квартира навбат бўйича.

Мурожаат учун адрес: 730902, Қарши шаҳри, Ленин кўчаси, 8-уй. Телефонлар: 26-3-03 26-5-72, 26-4-67.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг «Ўзавтострой» республика қурилиш трести коллективи «Ўзавтострой» трести Бухоро область қурилиш бошқармасининг бошлиғи

Нигмат Абдуҳолиқович АБДУРАҲМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-34-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-38, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-55-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-65; Жиззах — 31-66, Наширёт диспетчери — 32-78-94. Наширёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Р. 01716. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64585. Б. — 8. 10